


## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат ҳам ҳамкорликдан бирдай манфаатдор эканлигини, иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада кенгайтириш лозимлигини таъкидлашди. Шунингдек, суҳбат чоғида долзарб халқаро муаммолар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

\* \* \*

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини таъминлашга оид қонунчилик базаси узлуксиз такомиллашиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Қайд этилишича, айти пайтда вилоятлардаги минтақавий реабилитация марказларида 17 мингдан ортиқ алоҳида эҳтиёжли фуқаро, жумладан, 2 мингдан ортиқ кўмакка муҳтож болага комплекс тарзда реабилитация муолажалари кўрсатилмоқда.

\* \* \*

● «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги кетма-кет олтинчи йил Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболларини «Барқарор» даражада тасдиқлади.

Агентликнинг фикрича, Ўзбекистонда макроиқтисодий ҳолат барқарор бўлиб, мамлакат иқтисодиёти экспорт таркибининг диверсификация қилиниши ва экспортдан тушган даромадларнинг ҳуқуқат томонидан давлат инвестицияларини молиялаштиришга йўналтирилиши ҳисобига юқори суръатларда ривожланмоқда.

\* \* \*

● Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида «Мустақил юрт фарзандларимиз!» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

«Транспортчи авлод» ёзги болалар дам олиш ва соғломлаштириш масканида уюштирилган ушбу тадбирда иштирокчи ёшлар тасвирий ҳамда амалий санъат, бадий ижод, шунингдек, спортнинг бир қатор турлари бўйича беллашдилар. Айниқса, «Сен тарихни биласанми?» викторинаси, «Одам савдоси — давр муаммоси», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» мавзуларидаги баҳс-мунозаралар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

\* \* \*

● Жиззахда Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган очик мулоқот ўтказилди.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш ҳамда тадбиркорларга имтиёз ва преференциялар беришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самара бераётгани айтиб ўтилди. Таъкидланишича, жорий йилнинг ўтган даврида 116 миллиард сўмлик мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилди ва тўрт мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р ИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК  
КҮРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТҮҒРИСИДА

(Давоми.)

Бошланиши 1-бетда).

яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспорт ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланганини кўрсатиш;

тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошгани, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинганини атрафлича ёритиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривож учун кенг йўл очиб берилгани, бугунги кунда фермер хўжалиқларимиз нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётгани, балки қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бораётганини кўрсатиб бериш;

1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари — 1,6 карра, картошка — 1,7 марта, сабзавот — 2 баробардан ортиқ, мева — қарийб 4 карра кўпайганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида талқин этиш;

мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси

бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқараётгани, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи мисоллар орқали юртимизда бу соҳа жадал ривожланиб, ўрта синф — мулкдорлар синфининг жамият таянчига айланиб бораётганини намоён этиш;

ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётганини бу борадаги амалий ишларимизнинг яққол самараси тариқасида акс эттириш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб бериш;

мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳолимиз, биринчи навбатда кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустақамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил ошиб бораётганини, биргина 2014 йилда бу рақам 60 фоиздан ортиганини мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг қўламли ишларимизнинг мантқиқий натижаси сифатида кўрсатиш;

замонавий билим ва касбуналарни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишларнинг моҳиятини очиб бериш. Шулар қаторида фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани ва бошқа мисолларда соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қондасига айланиб бораётганини ёритиш;

юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги

давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканига алоҳида аҳамият қаратиш;

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда кейинги 3 йилда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-погонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани ва бошқа мисоллар ёрдамида юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатларини теран очиб бериш;

биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганига алоҳида урғу бериш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш ва тегишли тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 17 июль

И. КАРИМОВ

6. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна расомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

8. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна», Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Бадий академия ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний bosқичини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нихол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш bosқичини ҳамда «Энг улуг, энг азиз», «Ватан учун яшайлик», «Ранглар жилосида — она диёр» каби аънанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб кўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА А Х Б О Р О Т

(Давоми.

Бошланғичи 1-бетда).

Биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ялпи маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 8,1 фоизга ўсди. Экспорт ҳажмларининг 7,4 фоизга ўсиши ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортиқ бўлмади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини тубдан кўпайтириш, хизматлар ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, ички талабни мутаносиб рағбатлантириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг 13,5 фоизга, чакана товар айланмасининг 14,8 фоизга ва хизматларнинг 13,1 фоизга ўсишини таъминлади.

Аҳоли бандлиги масалаларини ҳал этиш бўйича амалга кўрилатилган тизимли чора-тадбирлар туфайли 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 441,8 мингта янги иш ўрни, улардан 274,9 минг иш ўрни ёки 62,2 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Фаол инвестиция сиёсатини ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш, инфраструктура ривожлантириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 10,9 фоизга ўсишини таъминлади. 2015 йилги Инвестиция дастури доирасида 63 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. 1866 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 585 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Инвестиция жараёнларининг фаоллашуви пудрат қурилиш ишлари ҳажмининг 18 фоизга ўсишига кўмаклашди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг этиббори замонавий юқори технологик ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ишга тушириш бўйича муҳим стратегик инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш учун шахсан масъул эканликларига қаратилди. Улар олдида айрим лойиҳалар бўйича йўл кўйилган қолақликнинг ўрнини тўлдиршига ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга инвестициялар жалб этишни жадаллаштиришга қаратилган комплекс кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудла-

рининг экспорт салоҳиятини сафарбар қилиш, маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, аънавий бозорларда мамлакатимизнинг экспорт қилувчилари мавқеини мустаҳкамлаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришни таъминлаш бўйича комплекс кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Мажлисда ғалла ўрими-йиғими мавсуми якунларини танқидий таҳлил қилишга ва об-ҳаво шароитларининг ғўза ҳосилига салбий таъсирининг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга, шунингдек, ғўзани парварши қилиш бўйича комплекс агро-техника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга жиддий этиббор қаратилди. Аграр секторни янада ривожлантириш ва модернизациялаш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилатилган тизимли чора-тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоизга ўсганлиги қайд этилди. Мўл ғалла етиштирилди ва дон йиғиштириб олинди.

Жорий йилнинг ниҳоятда ноқулай об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда, мажлис қатнашчиларининг этибори об-ҳаво шароитларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, энг аввало, ғўзага салбий таъсирини камайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг ва ижтимоий соҳа объектларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига қишлоқ хўжалиги экинларини ўз вақтида сўғоришни таъминлаш, ғўзаларни зараркундалардан интеграциялаштирилган ҳолда самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш, шунингдек, агротехника ва ирригация-мелиорация тадбирларини ўтказиш учун ёнилғимойлаш материалларини етказиб бериш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан тасдиқланган 2015–2019 йилларда ислохотлаш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш дастурларини тизимли амалга оширилишини таъминлаш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-этиборида бўлди. Иқтисодиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш, хусусий мулкнинг аҳамияти ва улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишни ва кафолатларини кучайтириш, акциялаштиришни чуқурлаштириш ва корпоратив бошқаришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича

ишларни самарали мувофиқлаштириш ҳамда тизимли ташкил этиш масалаларига алоҳида этибор қаратилди.

Қайд этиб ўтилдики, ўрта муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиётини янада ислохот қилиш ва модернизациялаш стратегиясининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этадиган ушбу дастурий ҳужжатларнинг муваффақиятли амалга оширилиши яқин йиллар мобайнида иқтисодиётни ўстиришнинг юқори суръатларини сақлаб қолишни, иқтисодиётнинг янада замонавий ва диверсификацияланган тузилмасини шакллантиришни, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларининг этибори яқин беш йилга мўлжаллаб қабул қилинган дастурларга киритилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, уларда назарда тутилган барча мақсадли параметрлар ва индикаторларга эришиш юзасидан уларнинг шахсий масъулиятига қаратилди.

Мажлис давомида 2015–2019 йилларга мўлжалланган таркибий ўзгартиришларнинг қабул қилинган дастурлари барча бандларини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш устидан мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг қатъий тизимини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бунда тасдиқланган дастурларнинг тайёргарлик босқичидан бошлаб тўлиқ амалга оширишда унинг ҳар бир бандини кўриб чиқиш ва ижро этишни барча босқичлари устидан изчил назорат қилувчи автоматлаштирилган компьютер дастурларини қисқа муддатларда ишлаб чиқиш ва ишга туширишни таъминлашга қарор қилинди.

Шунингдек, тасдиқланган дастурлар амалга оширилиши бўйича масъул ижрочилар ҳисобланган вазирликлар, идоралар ҳамда тегишлича улар ижросини мувофиқлаштиришни ва ҳар ойлик назорат қилишни таъминловчи Идоралараро кенгашлар ва Ҳукумат ҳузуридаги комиссиялар белгиланди.

2015–2019 йилларга мўлжалланган тасдиқланган таркибий ўзгартиришлар дастурлари амалга оширилиши тўғрисида Ҳукумат аъзолари ва бошқа масъул шахсларнинг ҳисоботлари Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида йилнинг ҳар чорагида доимий асосда эшитилишига қарор қилинди.

Мажлисда хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга катта эркинлик бериш, уларни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида этибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилатилган тизимли чора-тадбир-

лар фақат биринчи ярим йилликнинг ўзидагина 15,2 мингта янги кичик бизнес субъектларини ташкил этишга кўмаклашди, бу 2014 йилнинг шу давридагидан 6,3 фоиз кўп. Кичик бизнес субъектларига 6,4 триллион сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўп банк кредитлари ажратилди.

Барча даражалардаги ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари тармоғини кенгайтиришда ва янгиликларини ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлигини, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини олинган мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш юқланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантириш учун тўсиқларни олиб ташлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги Фармони билан тасдиқланган дастурни, шу жумладан, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига мансабдор шахсларнинг тўсиқлик қилиши ёки ноқонуний аралашуви юзасидан масъулиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, рўйхатга олиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиботларини янада соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатда мулкчиликнинг устувор шакли сифатида хусусий мулкни ва кичик бизнесни янада ривожлантиришга кўмаклашди.

Шу муносабат билан маҳсул ташкил этилган ишчи комиссия, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга ва унинг устуворлигини мустаҳкамлашга, энг кўп қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлими яратишга йўналтирилган бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш топширилди.

Кун тартибидеги масалалар бўйича Бош вазир ўринбосарларининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА.

## ДУНЁДАН



## ДАРАКЛАР

### КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Узоқ давом этган музокаралар натижасида Эронга нисбатан БМТ Хавфсизлик кенгаши, АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан жорий қилинган барча иқтисодий ҳамда молиявий тақиқларни бутунлай бекор қилиш бўйича томонларни қониқтирадиган ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Ушбу музокаралар бундан 10 йил олдин бошланган эди. 2013 йилнинг ноябрь ойида Женевада қабул қилинган биргаликдаги вақтинчалик ҳаракатлар дастуридан сўнг Эрон билан «олтилик» ўртасидаги муҳокамалар Вена, Монтрё, Лозанна ҳамда Женева шаҳарларида 2014 йилнинг февралдан бошлаб бир неча мартаба ўтказилган. Музокараларнинг якунловчи босқичи Австрия пойтахтида 18 кун давом этди.

### ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА

Колумбияда Жессика Патрисија Арилас исмли етти ёшли қизалоқ ота-онаси билан биргаликда мамлакат шимолидаги миллий боғда сайр қилиб юрганида йўқолиб қолди. Уни юзлаб полициячилар, ҳатто вертолётлар ёрдамида қидиришди. Қувватдан қолган қизалоқни сал кам уч ҳафтадан сўнг чангалзордаги ташландиқ чайладан топишди. Бу чинакам мўъжиза эди. Чунки ушбу мамлакат чангалзорларида турли ваҳший ҳайвонлар изғиб юради. Саломатлигини тиклаш учун Жессикани тиббиёт марказига жўнатишди.

### МАЪЛУМОТ УЧУН МУКОФОТ

Маълумки, бундан бир неча кун бун Мексикада «Альтиплано» қамқонасидан нарқобарон Хоакин Гусман қочиб муваффақ бўлган эди. Уни қўлга олишга ёрдам бериши мумкин бўлган маълумот учун ҳокимият вакиллари 3,8 миллион АҚШ доллари миқдориде мукофот ваъда қилишди. Мексика прокуратураси Гусман қочиб кетган қамқонанинг қўллаб-қувватловчи ҳисбга олди. Улар юз берган воқеа бўйича кўрсатма беришмоқда. Гусман 2001 йилда ҳам қаттиқ қўриқланадиган қамқоналарнинг биридани қочиб муваффақ бўлган эди. У 2014 йилнинг февралда АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган операция чоғида ушланган.

### ХАТАРЛИ ТОМОША

Испаниянинг Педрегер вилоятида ўтказилган фестивал чоғида Франциялик сайёҳни буқа сузиб ўлдирди. Ҳар йили ёз фаслида ушбу мамлакатда буқалар билан бирга югуриш томошаси ўтказилади. 1911 йилдан буён бундай томошалар чоғида буқалар жами 15 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Жароҳатланганлар сони эса ниҳоятда кўп.

### БАЙРАМ АЗАГА АЙЛАНДИ

Ҳиндистонда Андра Прадеш штатидаги Ражамандри шаҳрида ўтказилган диний фестивал пайтида 27 киши тикилинча оёқ остида қолиб кетиши оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг аксарияти аёллар. Яна 40 нафар фуқаро жароҳатланди. Мамлакат Бош вазири Нарендра Моди юз берган воқеа муносабати билан марҳумларнинг яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИ

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, бугунги кунда дунёнинг бир қанча минтақалари ва давлатларида содир бўлаётган ноҳуш воқеалар, жамият тинчлиги ва осойишталигига раҳна солаётган халқаро террорчилик гуруҳларининг ваҳший хатти-ҳаракатлари дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб келмоқда. Бундай шароитда юртимизда ҳукм суриб турган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишимиз ҳамда уни кўз қорачигидек асрашимиз учун, энг аввало, ички ишлар идораларининг барча раҳбар ходимлари талабчан, адолатли ва ўз ишига масъулиятли, бурчига садоқатли, тартиб-интизом борасида бошқаларга ўрнак бўлиши, халқимизга таянч, суянч бўлмайдиган, лоқайд ва бепарво ходимларга нисбатан қатъий чора-тадбирлар кўрилиши кераклиги уқтириб ўтилиб, ҳисобот даври мобайнида вазирлик томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари атрофлича таҳлил қилинди.

Шунингдек, мажлис иштирокчиларининг эътибори мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ички ишлар идоралари ходимларининг масъулияти ва мавқеини ошириш, уларнинг дунёқарashi ва хизматга бўлган муносабатини замонга мос равишда ўзгартириш масалаларига қаратилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, подполковник Т. Ташпулатов кун тартибидagi асосий масала – ички ишлар идораларининг 2015 йилнинг

биринчи ярми давомидаги тезкор-хизмат фаолиятининг натижалари ҳамда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги амалга оширилган ишлар ва келгусида тизим ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталди.

Чунончи, мамлакатимиз ички ишлар идоралари томонидан ўтган давр мобайнида жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фoш этиш, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ғалла ҳосилининг талон-тарож қилинмаслигини таъминлаш, фуқароларнинг тинчлик-осойишталигини сақлаш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилганини таъкидлади.

Шунингдек, ҳисобот даврида ички ишлар идоралари фаолиятида йиғилиб қолган муаммоли масалалар, тезкор-қидирув фаолиятида хизматлараро ҳамкорлик таъминланишида йўл қўйилаётган камчиликлар, айниқса, одам савдосига қарши курашиш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонун талабларига риоя қилмаслик, шахсий таркиб орасида хизмат интизоми ва қонунийликни бузиш ҳолатларининг олдини олиш борасидаги ишларнинг аҳволи атрофлича таҳлил қилиниб, соҳавий хизматлар фаолиятида мавжуд

барча камчиликларга зудлик билан барҳам берилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, маърузада соҳа ходимлари, айниқса, профилактика инспекторлари ва маҳалла, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, республикадаги барча маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни иш билан таъминлаш йўлидаги турли тўсиқларни бартараф этиш, жойлардаги тезкор вазиятдан тўлиқ хабардор бўлиш, диний экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, одам савдоси каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларни огоҳликка қақирив борасида фаолият самардорлигини ошириш бўйича қатор таклифлар билдирилди. Шунингдек, фуқароларни биометрик паспортлар билан таъминлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли соҳавий хизматлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Транспортдаги ва жойлардаги ИИБ раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Б. Қурбонов ўз маърузасида давлатимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда байрамни таъкидлаш борасида ички ишлар идоралари томонидан амал-

га оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларга эътибор қаратди.

Нотикнинг таъкидлашича, энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг йигирма тўрт йиллигини муносиб нишонлаш, жойларда шодиёналарнинг тинч ва осуда, ёрқин таассуротларга бой ва кўтаринки руҳда ўтишида ички ишлар идоралари олдида турган вазифалар ниҳоятда масъулиятли. Айниқса, тадбирлар ўтадиган майдон ва хиёбонларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, турли шубҳали хатти-ҳаракатларни олдиндан аниқлаб, бартараф этиш, бир сўз билан айтганда, хавфсизликни таъминлаш учун янада масъулият билан хизмат қилиш зарурдир.

Шунингдек, вазир ўринбосари мажлис иштирокчилари эътиборини жорий йилги пахта йиғим-терими мавсуми давомида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, деҳқонларимиз томонидан етиштирилган қимматбахо хом ашёни талон-тарож этилиши ва ноқонуний равишда четга олиб чиқилишининг олдини олиш каби масалалар доимий диққат-эътибор марказида бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Мажлис кун тартибидagi бошқа масалаларни муҳокама этиш чоғида, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси устидан идоровий назоратни кучайтириш, тезкор-хизмат фаолиятини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ва бар-

тараф этиш, фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш фаолиятини яхшилашга доир ҳамда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан содир этилаётган тамагирлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби қонунбузиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар хусусида фикр алмашилиб, бу борадаги вазифаларнинг ижроси бўйича шахсан биринчи раҳбарларнинг жавобгарлиги белгиланди.

Мажлис доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг 2015 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси лойиҳаси муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Ҳайъат раиси, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев жорий йилнинг иккинчи ярмида ўтказилиши белгиланган барча ижтимоий-сиёсий тадбирлар вазирлик шахсий таркибининг эътибор марказида турганлигини алоҳида таъкидлаб, уларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида тезкор вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқ-тартибот ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, бу борада манфаатдор идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг кўламли тезкор-қидирув ва профилактик тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш юзасидан мажлис иштирокчилари олдида аниқ вазифалар қўйди.

Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган мажлис якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

## «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир

**Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизни ислох қилиш ва демократлаштириш жараёни қатъий ва изчил тус олгани, юрtdoшларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда.**

Ички ишлар органлари тизимида ҳам жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги каби қонунлар талаблари асосида ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, халқ билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгаришлар қилинди. Хусусан, 2014 йил декабрида қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун

талабларидан келиб чиқиб, 2015 йилнинг 1 май куни ички ишлар идораларида «Ишонч телефонлари» орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг янги тартиби белгиланди, яъни вазирликнинг «Ички ишлар органларида «Ишонч телефонлари» орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, «Ишонч телефонлари» вазирлик ва ҳудудий ички ишлар органларининг хизмат фаолияти аҳоли билан бевосита боғлиқ асосий соҳавий хизматларида ўрнатилди ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар вазирликнинг расмий веб-сайти ([www.mvd.uz](http://www.mvd.uz))га жойлаштирилди.

Мазкур буйруқнинг қабул қилиниши жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнига ҳамоҳанг бўлиб, худди шунга ўхшаш «Ишонч телефонлари» ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа қатор давлат идора, ташкилотларида ҳам ишлаб турибди.

Эътиборли жиҳати, эндиликда ИИВ тизимидаги «Ишонч телефонлари» орқали фақат ички ишлар идоралари ходимларининг қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлари хусусидаги аризалар, таклиф ва шикоятлар қабул қилинади. Мурожаатлар юзасидан кўрилган чора-тадбирлар назорат тартибида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича тузилган комиссиялар мажлисларида ҳар ойда бир маротаба муҳокама қилиб борилади.

Вазирлик тизимида «Ишонч телефонлари» орқали келиб тушган мурожаатларни жамлаш ва доимий равишда таҳлил қилиб бориш вазифаси вазирлик Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасига юклатилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, вазирлик Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси томонидан «Ишонч телефонлари» фаолиятини мониторинг қилиб бориш ҳамда бу ҳақдаги маълумотни аҳоли ўртасида тарғиб этиш борасида тегишли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, ички ишлар органларидаги «Ишонч телефонлари» фаолияти мониторинги натижалари ва таҳлили тайёрланаётган шарҳларда доимий равишда муҳокама қилинган, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилиб, ижро учун вазирлик соҳавий хизматлари ва ҳудудий ички ишлар органларига жўнатилмоқда. Шунингдек, тизимдаги «Ишонч телефонлари» рўйхати вазирликнинг «Postda» ва «На посту» газеталарида чоп этилиши ташкил этиб келинмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ички ишлар идораларида «Ишонч телефонлари» фаолиятининг янги тартиби тизимда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

И. КУЛЛИЕВ,  
катта лейтенант.

Битирув

# ҚАЛЪЛАРДА ҒУРУР ВА ИФТИХОР

**Ички ишлар идоралари ходимларини жисмонан чиққан, юқори жанговар тайёргарликка эга, Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашда ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари муҳим аҳамият касб этади.**



Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказида ўқув йиғини якунланиши муносабати билан ўтказилган тадбир ниҳоятда сермазмун ва эсда қоларли бўлди.

Тадбирни марказ бошлиғи, полковник У. Фаниев очди. Тантананада иштирок этган республика ИИБ ШТБХ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Усманов сўзга чиқиб, барчани ушбу унутилмас кун билан табриклаб, уларнинг келгуси хизматларига муваффақият тилади. Шундан сўнг тахсил давомида юқори натижаларга эришган тингловчиларга сертификатларни тантанали суръатда топширди. Марказ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Х. Юсупов ҳам битирувчиларга ўзининг самимий тилаklarини билдирди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,**  
подполковник.

\*\*\*

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида ҳам навбатдаги ўқув йиғини якунига етди. Малака оширган сержантлар таркиби ҳамда бошлангич тайёргарликдан ўтган сафдорлар таркиби майдонда саф тортиб, битирув тантанаси бошланишини ҳаяжон билан кутишмоқда. Уларни қутлаш учун ташриф буюрган ота-оналари ва яқинларининг кўзларида эса қувонч порлаб турибди. Марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров бошчилигида таълим муассасаси раҳбарияти, фахрийлари ва бошқа меҳмонлар минбарга кўтарилди. Марказ бошлиғи ўринбосари, майор Н. Ҳазратов битирувчи-

Мазкур тадбир марказ саф майдонида қад кўтарган «Мотамсаро она» ҳайкалининг очилиш маросимида уланиб кетди. Гўё, осойишта кунлар қадрига етинг азиз фарзандларим, дегандек самимий боқиб турган муштипар онанинг пойига гулдасталар кўйилди.

Битирувчиларни устозлар номидан марказ ўқитувчиси, лейтенант Б. Ходиев ва ота-оналар номидан М. Дусаева муборакбод этди. Сафдошлари номидан сўзга чиққан кичик сержант М. Атамуратов ҳамда сафдор К. Зокиржонов пухта билим олишлари учун марказда яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб, ўзларига билдирилган ишонч-

ни Ватанга садоқат билан хизмат қилиш орқали оқлашга ваъда беришди.

— Мазкур таълим даргоҳида бошлангич тайёргарлик-

\*\*\*

Тизимда ўтказилган туб ислохотларни тўлақонли татбиқ этишда Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалиқ шаҳар маркази жамоаси ҳам барча имкониятлардан самарали фойдаланаётгани бу ерда билим ва амалий кўникмаларга эга бўлаётган, касбий маҳоратини ошираётган сержантлар ҳамда сафдорлар таркиби мисолида янада кўзга яққол ташланади.

Таълим муассасасининг саф майдонида қад ростлаб турган ёшлар ҳам уч ой аввал ўз билимларини мустақамлаш мақсадида бу ерга ташриф буюришганди. Мана, ҳаш-паш дегунча ўша муддат ҳам ўтиб кетибди. Ўтган давр ичида уларнинг бу ерда олган билимлари, касбга оид ўрганганлари бир умр хизмат фаолиятларида асқотишига шубҳа йўқ. Чунки битирув муносабати билан сафда турганларнинг мағрур ва дидиллигида, юз-кўзларида айнан шу хислатлар балқиб турарди...

ҳақида ахборот берди. Давлат мадҳияси янграгач, табрик учун сўз марказ бошлиғи, полковник Х. Дўстматовга берилди.

Маърузачи ушбу унутилмас кун билан барчани муборакбод этаркан, бу ерда малака оширган кичик сержантлар ҳамда қайта тайёргарликдан ўтган сафдорлар ўз хизмат жойларига борганда олган билимларини амалда самарали татбиқ этишларига юсак ишонч билдирди ва юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятларига муваффақият тилади.

Шахсий таркиб номидан подполковник А. Юсупов, ота-оналардан М. Исақов, битирувчилар номидан кичик сержант М. Усмонов ва сафдор З. Орзиқулов сўз олиб, бу ерда яратилган барча шарт-шароитлар курсант ва тингловчиларнинг касб сир-асорларини мукамал ўзлаштиришларига имкон бериши ҳамда ўрганганлари бутун фаолиятида дастуруламал бўлиб қолишини эътироф этишиб, бунинг учун аввало, республика ИИБ раҳбарияти ҳамда марказ жамоасига миннатдорликларини изҳор қилишди.

— Набирам, сафдор Муҳаммаджон Музропов Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимида бу ерга бошлангич тайёргарликдан ўтиш учун келганди, — дейди саксон ёшли отахон М. Исақов. — Уч ойдан буён уни илк бор кўришим. Унинг одоб-ахлоқи ва муомаласида ўзгаришлар бўлгани сезилиб турибди. Набирамга ўз билимларини берган устозларига, таълим олиши учун шароитлар яратган республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига ўз ташаккуримни изҳор этаман. Ишонтириб айтаманки, Муҳаммаджон эл-юртимизга муносиб хизмат қилади...

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**  
Суратда: сертификатлар топшириш жараёни.

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ**  
олган сурат.



этиб, хизматларида улкан муваффақиятлар тилади. Шунингдек, майдонда қад ростлаб турган осойишталик побонлари хизмат фаолиятларини янги назарий ва амалий билимлар билан давом эттириб, зиммаларидаги бурчини виждонан бажаришларига ишонч билдирди. Фарзандларини эл қорига ярайдиган мард, жасур қилиб тарбиялаган ота-оналарга миннатдорлик изҳор қилиб, бу ҳам халқ осойишталигини сақлашга кўшилган ўзига хос ҳисса эканини эътироф этди. Шундан сўнг сержантлар таркибига малака оширганлиги тўғрисида сертификатлар тантанали равишда топширилди. Намунали хулқи ва аъло баҳолари билан сафдошларига ўрнатилган бир гуруҳ битирувчилар марказ Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

дан ўтиб, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш борасида зиммамизга юклатилган вазифаларни чуқур англадик, — дейди сафдор Майсара Мўминова. — Шунингдек, ички ишлар идоралари ходими деган шарафли номга муносиб бўлиш учун тажрибали устозлар кўмагида маънавий-маърифий билимларимизни, жисмоний ва жанговар тайёргарлигимизни янада оширдик...

Тадбир сўнгида битирувчилар шахдам қадамлар билан саф майдонидан ўтишди. Она-Ватанни, мардликни, фидойиликни улугловчи саф кўшиқларини баланд овозда куйлаганда эса, гўё бутун борлиқ уларга жўр бўлди.

**Иномжон РАҲИМҲУЖАЕВ,**  
сержант.

**Абу КЕНЖАЕВ** олган сурат.



## Амалиёт

Айни пайтда ИИБ Академияси тингловчилари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ички ишлар идораларида иш ўрганиш ва танишув амалиётини ўташмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ИИБда ҳам 2 ва 3-ўқув курсининг бир гуруҳ тингловчилари тергов, жиноят қидирув, профилактика ҳамда эксперт-криминалистика хизматлари йўналишларида амалиётга киришишган.

Академия ўқитувчилари – подполковник Фани Ботиров, майорлар Улуғбек Кабулов ва Қодиржон Қамбаров раҳбарлигида давом этаётган амалиёт даврида тингловчилар назарий билимларини янада мустаҳкамлаб, келгусида ўзлари фаолият кўрсатадиган соҳани мукамал ўрганишга интилишмоқда. Тингловчиларга бу ерда амалиётни самарали ўтказиши, иш ўрганиб, тажриба орттириши учун барча шароитлар яратилган. Уларга соҳада кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали ходимлар мураббий қилиб бириктирилган. 2-курс тингловчилари юқорида таъкидланган тўртта соҳавий хизмат фаолияти билан яқиндан танишиб, иш жараёни тўғрисида кўникма ҳосил қилишди. 3-курс тингловчилари эса бевосита тезкор-қидирув фаолияти ва тергов жараёнида иштирок этиб, гумон қилинувчи ва гувоҳларни тергов қилиш, жиноятчиларни аниқлаш юзасидан тезкор-қидирув ишида билим ва тажрибаларини оширишмоқда.

— Иш ўрганиш ўқув амалиётида биз соҳанинг кўп қисмига хос томонларини ўрган-

япмиз, — дейди 3-ўқув курси тингловчиси Ижодбек Турғунов. — Фуқаролар билан қандай муомала қилиш, жиноят ишига алоқадор ҳужжатлар бўйича ишлаш ва уларни расмийлаштириш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тергов ҳаракатларида қатнашиш юзасидан ўзимиз учун жуда зарур кўникмаларни эгалладик. Бу борада устозларимиз ва бу ерда бизга иш ўргатаётган мураббийларимиз катта ёрдам беришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тингловчиларнинг келажақда ўз соҳасининг етук мутахассис бўлиб етишиши айнан амалиёт даврида тажриба орттириши, иш ўрганишига боғлиқ. Шунинг учун уларнинг турли тадбирларда фаол қатнашишига, соҳа ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишига имконият яратилмоқда.

— Тингловчилар фаол, иш ўрганишга чанқоқ, — дейди туман ИИБ тергов бўлими бошлиғи, подполковник Абдурахим Гафуров. — Амалиёт даврида улар қанчалик кўп иш ўрганишса, жараёнда фаол иштирок этишса, ўзлари танлаган соҳанинг сир-

## СОҲА СИРЛАРИНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ



асрорларини шунчалик тез англаб етишди. Келажақда қаерга бориб хизмат давом эттиришмасин, фаолиятида бу ерда ўрганганлари мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Амалиёт даврида тингловчилар иштирокида маҳаллаларда, таълим муассасаларида учрашувлар, очик мулоқотлар ҳам ўтказилди. Бундай тадбирлар давомида тингловчилар ҳаётга теран қараб, ички ишлар идоралари ходимларининг обрўсини ошириш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлигини, аҳоли билан ишлашда касб маданиятига қатъий амал

қилиш кераклигини чуқур англаб етишмоқда.

**Ўз муҳбиримиз.**

**Суратда: тингловчилар амалиёт ўташмоқда.**

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

\*\*\*

Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 3-ўқув курсининг бир гуруҳ тингловчилари айни пайтда Навоий шаҳар ИИБда иш ўрганиш амалиётини ўташмоқда. Таълим муассасасида ўзлаштирилган назарий билимларни мустаҳкамлаш, соҳа сирларини мукамал ўрганиш учун уларга тажрибали мураббийлар бириктирилган.

Амалиёт бошланганига кўп вақт бўлмаса-да, тингловчи-

лар тиришқоқлиги, изланувчанлиги билан кўзга ташланмоқда. Айниқса, уларнинг жиноятларни фош этиш жараёнида бевосита иштирок этиши амалий кўникма ҳосил қилишларида қўл келяпти. Масалан, яқинда шаҳар ИИБга фуқаро М. Норова ариза билан мурожаат қилиб, «Урал» русумли велосипедни кимдир ўғирлаб кетганини маълум қилди. Ушбу мурожаат асосида шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚКБ бўлинма бошлиғи, капитан Фируз Султонов ва тингловчи Шаҳобиддин Холмуродов томонидан қидирув-суриштирув ишлари олиб борилди. Натижада мазкур жиноятни Навоий шаҳрида яшовчи Р. Қосим (исм-шарифи ўзгартирилган) содир этгани аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинган велосипед эгасига қайтарилди.

Амалиётчи тингловчилар шаҳар ҳудудидаги маҳаллаларда, таълим муассасаларида мураббийлари билан биргаликда «Коррупцияга қарши кураш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови», «Ёшлар ўртасида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш» каби мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

**Фарҳод БОБОМУРОДОВ,**  
капитан.

Навоий вилояти.

## Эҳтиром

## ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасида ушбу тизимда узок йиллар самарали хизмат қилиб, бой тажриба тўплаган ходимлар талайгина. Яқинда улардан икки нафари – подполковниклар Фанишер Эшонқулов ва Фариди Нормухамедова иззат-икром билан нафақага кузатилди.

Ҳар иккаласи ҳам бундай эътирофга ҳақли равишда лойиқ эдилар. Ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1994 йилда бошлаган Ф. Эшонқулов 1997 йилдан то ҳозиргача айнан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш соҳасида ишлади. Ушбу йўналишдаги фаолиятини оддий инспекторликдан бошлаб, ИИБ ҲООББ бошлиғининг ўринбосари – Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бошқармаси бошлиғи лавозимида яқунлади. Ўтган давр ичида республикамиз миқёсида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, кўплаб муносиб шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Унинг фидойиларча хизматлари давлатимиз томонидан юқори баҳолаб, 2009 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Фариди Нормухамедованинг бутун фаолияти айнан ИИБ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш соҳасида кечди. Жумладан, ички ишлар идоралари жазони ижро этиш инспекциялари фаолиятини яхшилашга кўп хизмати сингди. Бундан ташқари, ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ҳамда ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалик шаҳар марказида хизмат йўналиши бўйича амалий машғулотлар ўтиб, тажрибаларини ёш ходимларга ўргатди. 2013 йилда унга алоҳида ишонч билдирилиб, ИИБ ҲООББ муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори этиб тайинланди. «Дарахт бир жойда кўкаради» деб шунга айтишса керак-да.

Нафақага кузатиш маросимида иштирок этганлар ҳар иккала ходим ҳам юртимизда тинчлик, осойишталикни таъминлашга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга баракали ҳисса қўшишганини алоҳида таъкидлашди. Шогирдлари номидан сўзга чиққанлар эса ўзларининг самимий миннатдорликларини изҳор этишди.

**Улуғбек ТУЙМАОЕВ,**  
подполковник.

## Ўқув-семинар

## АТРОФЛИЧА ТУШУНЧА БЕРИЛДИ

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказида «Моддий излар ва уларнинг жиноятни очишдаги аҳамияти» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилоят ИИБ вакиллари, марказ ўқитувчилари ҳамда шу ерда таҳсил олаётган тингловчи ва курсантлар иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққан марказ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Т. Азимов содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этишда эксперт-криминалистарнинг хизмати алоҳида ўринга эгаллиги, жиноятларни очиш назариясининг асосини ташкил қилувчи «Криминалистика» жиноятни очиш ва тергов қилишнинг тактик-методологик усуллари тўғрисидаги фан эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, семинарда вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ ЎМИБ катта тезкор вакили, майор А. Ашуров жиноят тушунчаси ва унинг белгилари ҳақида тўхатилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти ва унинг амалиётга қўллашнинг энг муҳим масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Мазкур қонунга асосан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшени,



соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳолини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда уй қамоғи қўлланилишини таъкидлаб ўтди.

Тадбир доирасида Фарғона шаҳар ИИБ ЭКБ бошлиғи, подполковник У. Холиқов ҳамда вилоят ИИБ ЭКБ эксперт-криминалисти, катта лейтенант М. Мирзалиев изларнинг тури, уларнинг ҳосил бўлиш механизми ва жиноятларнинг очирилишидаги аҳамияти юзасидан маълумот бериб ўтди.

Семинар давомида тингловчи ва курсантлар эътиборига «Воқеа жойидан олинган излар ва уларнинг жиноятларни очишдаги аҳамияти» мавзусида видеоларлар намойиш этилди. Мавзу юзасидан улар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**А. МУСАЕВ,**  
подполковник.



# ОСОЙИШТАЛИК ПОСВОНЛАРИ - ХАЛҚНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ



## ҲАМИША ҲУШЁР ХОДИМЛАР

**Тинчлик-осойишталик – ҳаётимиз фаровонлиги гарови, тараққиётимиз омили. Батальонимиз ходимлари куну тун хизматда бўлиб, осойишталик ва жамоат тартибини сақлашга камарбаста бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, содир этилаётган жиноятларнинг «иссиқ изида» очилишида ҳам уларнинг ҳиссаси катта бўляпти.**

Ходимларимиз асосан Бухоро шаҳрининг турли йўналишлари бўйича хизмат ўтайди. Маълумки, жиноят қилишга мойил шахслар қулай пайт ва жой танлайдилар. Биз патрулларнинг йўналишларини ана шуни назарда тутган ва жамоат жойларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлиладан келиб чиққан ҳолда белгиланганмиш. Шунинг учун ҳам ишимиз самарали бўляпти. Йил бошидан буён ходимларимиз иштирокида 160 дан зиёд жиноят очилди, 15 га яқин жиноятнинг олди олинди. Бундан ташқари, қидирувда юрган етти нафар шахс аниқланиб, ички ишлар идораларига топширилди. Ана шундай кўрсаткичларга эришишда жонбозлик кўрсатгани учун ақсарият ходимларимиз вазирликнинг тегишли меъёрий буйруқлари асосида пул маблаглари билан рағбатлантирилди.



Шу ўринда мисоллар келтирсак. Шу йилнинг 30 март кун Бухоро шаҳридаги марказий бозор атроф ҳудудида кундузи автопатруллик хизматига жалб қилинган 3-отряд милиционерлари, сафдорлар Илёс Ҳамроев ва Санжар Аҳмедов «Хунарманд» бозори олдида келаётган ўсмирнинг юриши бирдан ўзгарганини кўриб, ундан шубҳаланишди. Осойишталик посвонлари ҳушёрликни ошириб, «қуён» бўлишга шайланган йигитнинг йўлини тўсиб, қўлга олишди. Бу бежиз эмас экан. Йўловчининг қўлидаги сумкаси ҳолислар иштирокида текширилганида, 40 дона турли хилдаги уяли телефон аппаратлари чиқди.

Кейинчалик маълум бўлишича, гумон қилинувчи И. Фуломжон уяли телефон аппаратларини, шунингдек, турли хил сизимдаги флешка ва уяли алоқа компанияси сим карталарини жинорий шериги Б. Алимардон билан бирга 24 март кунига ўтар кечаси Олот тумани деҳқон бозорида жойлашган савдо дўконидан ўғирлаган экан. Улар бундан ташқари шу туманнинг «Човдир» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Х. Шариповга қарашли фермер хўжалиги даласидан бир бош қорамолни, шу маҳаллада истиқомат қилувчи Г. Худойбердиевнинг савдо дўконидан 450 минг сўм нақд пул, турли озиқ-овқат маҳсулотларини, З. Қулиевнинг савдо дўконидан 250 минг сўмлик турли хил буюмларни, Н. Ачиловнинг баҳоси 300 минг сўмлик, М. Аллоновнинг 200 минг сўмлик ва Н. Турдиевнинг 250 минг сўмлик велосипедларини ҳам ўғирлаб кетишган экан. Натижада ўғирларга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, батальонда маънавий-руҳий муҳитни яхшилаш, ходимларнинг самарали хизмат қилиши ва дам олиши учун шароит яратиш, шахсий таркибнинг, касбий маҳорати, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билим савиясини юксалтириш доимий диққат марказда бўлиб келмоқда. Батальон иш фаолияти учун зарур бўлган замонавий асбоб-ускуна ва анжомлар билан ҳам таъминлаб келинмоқда. Ходимларимиз учун турли русумли автотранспорт воситалари ажратилган. Бугунги кунда улардан хизматда самарали равишда фойдаланиб келяпмиз.

Қисқаси, батальонимиз ходимлари юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳушёрлик билан хизматни давом эттиришмоқда. Истагимиз, уларни бу йўлдаги иштиёқи, ғайрат-шижоати ҳеч қачон тарк этмасин.

**Йўлдош Тўраев,**  
подполковник.  
Бухоро вилояти.

**Суратда:** отряд командирининг ўринбосари, лейтенант Одил Абдуллаев сафдорлар Илёс Ҳамроев ва Санжар Аҳмедов билан йўриқнома ўтказмоқда.

**М. ҒАНИЕВ олган сурат.**


## Кундалик фаолиятлари билан

**Ҳар кун биз ишга, ўқишга шошиламиз, режалаштирган ишларимизни ҳал қиламиз, дўстаримиз билан дийдорлашамиз. Яхши ниятлар билан тўй-томошалар қиламиз. Лекин буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик туфайли эканлигига кўпинча аҳамият бермаймиз.**

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашда Қуролли Кучларимизнинг ўрни беқиёсдир. Армияда хизмат қилиш йигит киши учун бутун ҳаётига татийдиган чинқиш мактаби вазифасини бажаради. У айни муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида Ватанини ва халқини ҳимоя қила олишига ишончи комил бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш фуқаронинг нафақат муқаддас бурчи ҳисобланади, балки мамлакатимиздаги нуфузли касб саналади. Шунинг учун ҳам Ватан ҳимоячиси бўлишни истовчи йигитлар сони тобора ортмоқда.

Навий вилоятилик Руслан Нарзиев ҳарбий бўлишни болаликдан орзу қилар эди. Аммо орзуси тезда рўёбга чиқавермади. Дастлаб сафарбарлик қақуруви резервида хизмат ўтади. Кейинчалик эса шартнома асосида хизмат қилишга пухта тайёрланди. Спорт билан мунтазам шуғулланди, билимларини оширди, ҳарбийлар ҳақидаги китобларни



доимий муролаа қилиб борди. Ва ниҳоят жорий йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмларидан бирига шартнома асосида хизматга қабул қилинди.

– Менга хизмат жуда ёқади, – дея сўз бошлади назоратчи, оддий аскар Руслан Нарзиев. – Бўлимимиздаги мустаҳкам тартиб-интизом ютуқлар гарови бўлаяпти. Ота-онам мен билан фахрланишади. Уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпман. Хизмат вазифаларимни сидқидилдан, виждонан бажаришга интилаяпман.

Шерзодбек Тошев эса Бухоро вилоятида туғилиб, вояга етган. Муддатли ҳарбий хизматни Чегара қўшинлари таркибида ўтаган. Ўшанда у Қуролли Кучлар сафида шартнома асо-

латбек Шарипов бўлинмада шахсий таркибнинг самарали хизмат қилиши ҳамда мазмунли дам олиш учун етарлича шароитлар яратилганлигини айтди. Бўлинма ҳудудида кутубхона, спорт зали, тиббий пункт, спорт майдончаси, бассейн борлигини, яқинда фуқароларни қабул қилиш хонаси курилиб, ўқув хоналари таъмирланганлигини таъкидлади.

Тез орада клуб, ётоқхона, қоровул биноси барпо этиш режалаштирилган экан. Ҳарбий қисмда «жонли бурчак» ҳам бор. Бу ерда куёнлар, турли хил қушлар парвариш қилинади. Аскарлар бўш вақтларида жониворларни парвариш қилишлари асносида жонли табиатга меҳрлари ортмоқда.

Ҳақиқий Ватан ҳимоячилари ўзларининг хизматлари ҳақида мақтаниб гапиргани ёқтиришмайди. Улар юртига муҳаббатини, бурчига садоқатини кундалик фаолияти билан исботлашади. Бугунги ҳикоямиз қаҳрамонлари ҳам ана шундайлар сирасига киради.


**Борис КЛЕЙМАН.**

**Суратда:** оддий аскарлар Руслан Нарзиев ва Шерзодбек Тошев ҳарбий қисм кутубхонасида. **Муаллиф олган сурат.**

## ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

### ЎЗИДАН ИЗ ҚОЛДИРДИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Д. Сайдали туман ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, кимдир уйдан 18 турдаги заргарлик буюмларини ўғирлаб кетганини маълум қилди. Воқеа жойини ўрганиш жараёнида номаълум шахс уйга де-раза ойнасини синдириш орқали киргани аниқланди. Қўрилган тезкор чоралар натижасида Юнусобод тумана



нида яшовчи У. Элдор ушбу жиноятни содир этганлиқда гумон қилиниб, қўлга олинди.

Ҳозир ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ИЧКИЛИК — ОХИРИ ХОРЛИК

Ичкиликка муккасидан кетиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Бу ҳақиқатни Тошкент вилоятининг Қибрай туманида истиқомат қилувчи Г. Алексей олдинроқ англаб етганида эди, кўнгилсиз воқеа юз бермаган бўлармиди.

Гап шундаки, Алексей улфатчиликдан маст ҳолда уйига келгач, кўнгли



яна ичкилик истаб қолди. Натижада ўғай ўғли Б. Дамир ва унинг ўртасида жанжал келиб чиқди. Ичкилик оқибатида ақлини йўқотгач, жаҳлига зўр бериб Дамирга пичоқ санчди. Жабрланувчи шифохонага ётқизилди, Алексей эса қилмиши учун жавоб берадиган бўлди.

### БОЗОРДАГИ ЙЎЛТЎСАР

Наманганлик С. Зухриддин шаҳардаги «Чорсу» деҳқон бозорига кундалик эҳтиёж учун ул-бул харид қилиш максасида борганди. Кутилмаганда рўпарасида нотаниш кимса пайдо бўлиб, уни кўрқитиб, «Samsung» русумли уяли телефонини тортиб олди. Жабрланувчи тезда бу ҳақда ички



ишлар идораларига хабар берди. Ҳолат юзасидан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида ушбу талончиликни Наманган шаҳрида яшовчи Д. Ҳайитбой содир этганлиқда гумон қилиниб ушланди. Айни пайтда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

### БИРОВНИКИ БУЮРМАЙДИ



Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот туманида яшовчи М. Гулмат Нукус шаҳрига бир юмуш билан келиб, ўзига тегишли «Spagk» автомашинасини кўчада қолдирди. Ишини битириб, қайтиб чиқса, машинаси жойида йўқ.

Ички ишлар идоралари ходимлари кўп ўтмай автомашинани олиб қочган шахсни қўлга олишди. Машина «ишқибози» шу шаҳарда яшовчи А. Нуржон экан.

Машина эгасига қайтарилди. Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

**Шерали АНВАРОВ,**  
майор.

Шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида яшашимиз. Бу жараён давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ҳамда ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш билан бирга мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўткир куралига айланиб, турли сиёсий кучларнинг манфаатига ҳам хизмат қилмоқда. Айниқса, «оммавий маданият» ниқоби остида зўравонлик, конформизм, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятларига бепишандлик билан қараш, аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган уринишлар, таҳдидлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани кишини ташвишга солмай қўймайди.

«Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман», – дейди Юртбошимиз «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида. Дарҳақиқат, шиддат билан ўзгарётган бугунги глобаллашув даврида маънавият масаласи ҳар қачонгидан чуқурроқ ва долзарброқ аҳамият касб этмоқда. Инсоннинг ўзлиги, маънавий оламини емирувчи, миллий қадриятларимизга зид бўлган бундай иллатларга қарши курашишда олдимизда қандай вазифалар турибди? Ёшларни ёт ғояларнинг таъсиридан асраш, уларда юксак фазилатларни шакллантириш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Мақоламизда ушбу саволларга жавоб қидириб кўраимиз.

#### ЁТ ҒОЯЛАРНИНГ ДОЯСИ

Бугун глобаллашув ҳосиласи бўлган «оммавий маданият» тушунчаси бутун дунёда маънавий хавф-хатарга айланди. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиши хусусида турли қарашлар мавжуд. Уларга кўра «оммавий маданият»нинг илк кўринишлари Рим империяси давридаёқ шакллана бошлаган. Умуман олганда, XX аср бошларига келиб радио, телевидение, кино, кўп нусхада нашр этиладиган «сарик матбуот» нашрлари, савиясиз китоблар ва интернет сайтларининг жадал тараққий этиши ва кенг аудиторияни қамраб олиши бу муаммонинг чуқур илдиз отишига замин яратди.

«Оммавий маданият» атамаси илк бор XX асрнинг 40-йилларида ишлатилган. Бу

# ЁТ ҒОЯЛАРДАН САҚЛАНИШ

атама аста-секин анъанавий маданиятга мутлақо ёт иллатларга нисбатан ишлатиладиган иборага айланди.

«Оммавий маданият» маҳсулотлари санъат намунасида кўра товар хусусиятига эга бўлиб, маънавий таназзулга етаклаши билан характерланади. Ўқувчи (томошабин, тингловчи) вақтини ўғирлайдиган бундай асарлар инсоний муносабатларга жўн баҳо беришга ўргатибгина қолмай, жамиятдаги ахлоқий қадриятларни емиришга хизмат қилади. Ҳозир Фарб телевидениесида кенг тарқалган кўнгило-чар комиксларда тараллабедод саргузаштлар, шахвоний ҳирсни кўзгайдиган кадрларга кенг ўрин ажратилаётгани бунинг ёркин исботидир.

Табиийки, мамлакатимиз ҳам глобаллашув жараёнидан ташқарида эмас. Шу маънода халқимизни турли маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларидан асраш, халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаш бугунги куннинг долзарб вазифаси, десак хато бўлмайди. «Оммавий маданият» номи билан хаспўшланадиган бундай иллатлар кундан-кунга кўпайиб бораёттир. Шу маънода «оммавий маданият»ни ёт ғояларнинг дояси дейиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, у ҳали ҳаётнинг позицияси, дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган ёшларга таъсир ўтказиши билан ҳам хавфлидир. Чунки катта ёшдаги кишиларга нисбатан ёш авлоднинг онгу шурини эгаллаш осонроқ. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, масаланинг нечоғли муҳим экани англашилади. Афсуски, бугун фарзандларимиз тафаккурига Алпомишу Гўрўғли, Отабек ва Анвардан кўра аллақандай Анпанман, Шрек, Ўргимчак одам, Жеймс Бонд, Гарри Поттер сингари қахрамонларнинг таъсири кучли бўлмоқда.

Ғоявий таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия халқимизни турли бало-қазолардан, ёт иллатлардан асровчи бебаҳо вакцинадир. Шунинг учун ҳам ҳар бир оила, маҳалла ва таълим муассасасида бу борадаги ишларни замон талаблари даражасида ташкил этиш, аҳолининг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, осойишта турмушимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузуларга қарши изчил кураш олиб бориш кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади.

#### ХАЛҚАРО «ЎРГИМЧАК ТҮРИ»

Турли сиёсий кучлар томонидан муайян стратегик мақсадларни кўзлаб «эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида илгари сурилаётган ғояларнинг асл моҳиятини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади. Ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги шароитда уларнинг таъсир ҳудуди тобора кенгайиб бораёттир.

Дарҳақиқат, маънавий-мафкуравий таҳдидлар ўз қиёфасини тез ўзгартирмоқда, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет имкониятларидан устомонлик билан фойдаланилмоқда. Чегара билмайдиган халқаро «ўргимчак түри» ўзида илмий-техникавий, ахборот ва таълим соҳаларидаги фойдали манбаларни ҳам этиши билан бирга юксак маънавий қадриятлар бардавонлигига путур етказадиган иллатларнинг ҳам фаол тарғиботчиси экани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг хабар беришича, 2013 йилнинг 1 январигача мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 9,8 миллиондан ошган, аҳолини тармоқ билан қамраб олиш даражаси 71 фоизга етган. Бу эса фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан баҳраманд бўлишига, тезкор ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қилаёттир. Афсуски, ҳамма ҳам бундан тўғри фойдаланаяпти деб бўлмайди.

Айтиш керакки, филтрларни қўллаш ва интернетдан фойдаланишни чеклаш ҳамisha ҳам кўзланган мақсадга олиб келмайди. Бу борада юртдошларимизнинг инфорацион маданиятини юксалтириш, уларга ахборот ва алоқа воситаларидан оқилона фойдаланишни ўргатиш самара келтириши мумкин. Қолаверса, миллий доменимизда яратилган маърифий сайтлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг сонини кўпайтириш ҳам манфаатларимизга хизмат қилиши шубҳасиз.

Масаланинг кишини ўйлантирадиган жиҳати шундаки, таҳлиллар интернетдан фойдаланувчи болаларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатди. Бу ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровлар натижалари асосида аниқланган ҳолатлар. Шунингдек, дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик, 26 фоизи эса миллат-

чилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб бориши аниқланган.

Маълумотларга кўра, ҳозир интернетда ўн мингга яқин ўз жонига суиқасд қилишни, тўрт мингдан зиёд порнография ва беҳаёликни тарғиб қилувчи сайтлар мавжуд. Ачинарлиси, халқаро тармоқдан фойдаланувчиларнинг тахминан ўн фоизи унга буткул боғланиб қолган. Бунга кабели телевидение, беҳаё хорижий матбуот нашрлари ва дисклар қўшилса, бу рақам янада ошади.

Фарзандларимизнинг интернет ва компьютер ўйинларига муккасидан кетиши, бўш вақтини зое кетказишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда вояга етмаган ўғил-қизларнинг дарс вақтида, шунингдек, кеч соат 22.00 дан кейин ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ҳамроҳлигисиз интернет-кафе ёки компьютер клубларига кириши тақиқланди. Бу талабга амал қилмаганларга жавобгарлик кучайтирилди.

Аммо шуни афсус билан қайд этиш керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ҳамкорликда ўтказилган рейдлар ҳали-ҳамон жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунчиликнинг ушбу талаблари бузилиши билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар аниқланган. Педагогика фанлари доктори Муҳаммаджон Қуროнов бундай вазиятда ёшларда медиамаданиятни шакллантириш, таълим муассасаларида медиатаълимни йўлга қўйиш орқали ушбу муаммони бартараф қилиш мумкин деб ҳисоблайди. Олимнинг таъкидлашича, медиатаълим ўғил-қизларимизга оқни қордан фарқлашни ўргатади. Шунда улар интернет-кафе ёки компьютер ўйинлари ўйналадиган клубларда вақтини зое кетказгандан кўра келажак учун тамал тоши бўлиб хизмат қиладиган билим олишга, ҳунар эгаллашга сарфлаган афзаллигини англаб етади.

#### ОДОБНИ ОДОБСИЗДАН ЎРГАН

«Ёғочнинг бўшини қурт ейди», дейди доно халқимиз. Маънавий таназзул баъзан кичкина муаммодек кўринган ишлардан бошланиши мумкин. Шу маънода бутун дунёда кучайиб бораётган турли таҳдидларнинг олдини олиш, уларнинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда ижод аҳли ва оммавий ахборот воситалари зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан ҳам юқори.

Ачинарлиси, ҳозир айрим нашриётлар фойданинг ортидан қувиб, саёз, бадий

#### ▼ Жаҳолатга қарши

Кун қўриш билан яшашнинг фарқи жуда катта. Кимдир кимгадир ёки нимагадир чин дилдан меҳр қўйиб, қувониб, қувонтириб яшайди. Ўз юртини, кўни-кўшниси, ота-онасини яхши кўрган, уларга юракдан меҳр берган инсон яқинларига фойдаси тегишини, ёрдам беришини ўйлаб, ғайратшижоат билан ишлайди. Бепарво ва лоқайд, вужудига дангасалик ҳамда хафсаласизлик ин қурганлар эса кун ўтиши, вақт аталмиш уловининг ўзи турган бекатдан тезроқ олислашишини истайди. Ана шундай лоқайд инсонлардан, афсуски, салбий фикрловчилар, ҳаётдаги барча нарсадан муттасил норозилар пайдо бўлади.

Дилмурод (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўз юртида ишлашни истамди, гўёки хорижда унга чангал-чангал пулни қўшқўллаб узатишадигандек туюлди. Коллежни тугаллади, оилали бўлди ҳамки, бирор ишга қўли бормади. Бир нечта касбнинг бошини тутиб кўрди, аммо бирортасини эплай олмагач, ишлаш мақсадида чет элга чиқиб кетди. Секин-аста у ернинг шароитига мослашди, танишлар орттирди. Шундай танишлари

орасида бир гуруҳ хоразмлик йигитлар ҳам бор эди. Уларнинг ёши каттароғи – Шодмон ака Дилмуроддан диний билимлари қандайлигини сўради. Коллеж дарсларига ёлчитиб бормаган, вақтини беҳуда ўтказган одамнинг дин борасидаги билими қанча ҳам бўларди? Шу боис йигитча ҳам индамай қўя қолди.

– Сен намоз ўқишни, ислом дини амаллари, фарзларини ўрганишни истайсанми? – деб сўради Шодмон ака.

– Қайдам... Ўзи бу нарсаларни менга қандай фойдаси бор?  
– Мусулмон киши бундай жавоб бермайди, укам. Наҳотки, сен жаннатга тушишни, яқинларингни ҳам жаннатга олиб киришни истамасанг?

– Исташга истайманку-я, лекин буни ким менга тушунтириб беради, билмаганимни ўргатади?

– Буёғидан хавотир олма, менинг яхши укаларим бор, ана шу йигитлар сенга ҳаммасини ўргатишади, тушунтиришади. Сен хорижда ишлаб оиланга ҳам фойданг тегади, ўзинг ҳам ҳақиқий муслим бўлиб қайтасан юртимизга.

Дилмурод бир-икки кун Шодмон аканинг гапларини ўйлаб юрди. Бир боргиси келар, яна фикридан қайтарди. Орадан би-



роз вақт ўтгач, Шодмон ака Дилмуродга «Бугун кечкурун йиғилиш бор, ишларингни тугаллагач боргин», дея қўлига манзил

ёзилган бир парча қоғоз тутқазиб кетди. Бу гал Дилмуроднинг қизиқиши устунлик қилди, айтилган жойга борди. Бу жой ша-

## ва сиёсий ўқиш

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

юки энгил, лекин харидоргир асарларни чоп этапти. Аммо уларни ўқишга одатланган киши залворли асарларни ҳазм қила олмаслиги турган гап. Энг ёмони қўлмақўл ўқиладиган айрим савиясиз китоблар шахвоний майлини кўзгашига мўлжаллаб ёзилмоқда, уларда акс эттирилган воқеалар, сюжетлар ҳам бир хил шаблондан иборат. Чинакам адабиёт намунаси эса ор-номус, уят ва андиша, ота-онага хурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасорат сингари юксак туйғуларни тарғиб этади, ўқувчига маънавий озуқа беради.

Афсуски, ёшлар «оммавий маданият» соясида миллатни ўзгиргидан айришдек манфур мақсадлар яширинганини кўпам тушунавермайди. Шу боис улар орасида асл маънавий қадриятларни менсимасдан, уларга эскилик сарқити деб қараш, юксак инсоний туйғуларни улуғланган жиддий асарларга эмас, аксинча, энгил-елпи мавзудаги асарларга кўпроқ қизиқиш каби ҳолатлар кузатилаёпти. Бундай вазиятда уларни фақат панд-насихат ёки танқид қилиш, таққиллаш билан тўғри йўлга солиб бўлмайди. Бизнингча, халқимизнинг маданий савияси, бадий дидини юксалтириш, соғлом ва мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг авлодни шакллантириш муаммони ҳал этишда энг тўғри йўл ҳисобланади.

Ҳаётимизда бундай муаммонинг юзага келаётганида қайсидир маънода ижод аҳли ва журналистларнинг ҳам айби бор. Бежиз бундай демаяпман. Бир умр сақич чайнаган одамнинг тиши бодом чақишга ярамаганидек, телевизордан бир қолипдаги, мулоҳазага ва ақлни ишлатишга ўрин қолдирмайдиган дастурларни кўраётган аудиториянинг савияси ҳам ҳаминқадар бўлиб қолади-да! ОАВнинг бошқа турлари ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, тайёрланаётган ҳар бир кўрсатув ёки эшиттириш, ёзилган бадий асар ёки мақола инсонларни мулоҳазага ундаши, тафаккурида ўзгаришлар ясай олиши лозим.

## МАЪНАВИЙ ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ

Бундан ўн-ийгирма йиллар илгари бир жинсли кимсаларнинг никоҳдан ўтиши, бирга яшаши тасаввурга ҳам сиғмаган иш бўлса, ҳозир бу хорихда кундалик турмушдаги оддий воқеага айланиб улгурди. Аянчлиси, айрим манфаатдор кучлар томонидан демократия белгиси дея тарғиб қилинаётган бундай никоҳни ёқловчилар сафи йилдан йилга кенгайиб, бунга қону-

нан рухсат берилган ҳудудлар сони эса кўпайиб бормоқда.

Ҳозир баъзи хорижий мамлакатларда гедонизм, эгоцентризм ғоялари таъсирида жамият тобора ботқоққа ботиб бораётганини чет эллик соғлом фикрли олимлар ҳам тан олишмоқда. Жумладан, Патрик Жозеф Бьюкенен «Фарбнинг ҳалокати» асарида бундай иллатларнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилишига Фарб оламидаги азалий анъаналар, тарихан бой захирага эга маънавиятнинг емирилишини сабаб сифатида кўрсатади. «Оммавий маданият афсонаси» асари муаллифи Алан Свингвуднинг фикрича, диний ва оилавий қадриятлар, жамоат институтларининг заифлашуви муаммонинг бош омили ҳисобланади. Освальд Шпенглернинг «Европа қуёшининг ботиши» асарида эса «оммавий маданият» ниқобидаги аксилсоний оқимнинг кучайиб бораётгани асосли далиллар билан очиқ берилди.

Ҳа, фикрлар, мулоҳазалар турлича. Аммо барчасидан чиқадиған хулоса бита: «оммавий маданият»нинг мақсади инсонийлик тамойилларини издан чиқариш, яъни дидни тубанлаштириш, ҳаётга энгил-елпи қарашни шакллантириш, халқларни миллий ўзгиргидан, муқаддас тушунчаларидан жудо қилишдир.

Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, унинг табиати ва дунёқараши белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар оила бағрида шаклланади. Демак, оилаларда тарбияга масъулият билан ёндашсак, фарзандларимизда зарарли ғояларга қарши иммунитетни шакллантира оласак, ўйлайманки, бундай бало-қазолар бизга хавф сола олмайди.

## КИНО – МАФКУРА ҚУРОЛИ

Кейинги йилларда ўзбек кинематографияси ҳар томонлама ривожланди. Янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ кўплаб мавзулар кенг ёритилмоқда. Соҳага қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ миллий киноасарларимиз нуфузли халқаро фестивалларда савринли ўринларга сазовор бўлмоқда. Аммо кези келганда шуни ҳам эътироф этиш керакки, юртдошларимизнинг кўнглидан муносиб жой оладиган, ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган фильмлар ҳали кам.

Суратга олинаётган аксарият картиналарда бирёқлама ёндашув, оддий одам-

лар ҳаётдан узоклашув, томошабин дидини юқорига кўтариш эмас, балки унинг орқасидан эргашишга мойиллик кузатишмоқда. Кўпроқ аудитория тўплаш мақсадидаги бу ҳаракатлар кассага тушумни кўтариши мумкин, лекин бебаҳо миллий маънавий бойлигимиз – ўзбекистонликларга хос юксак бадий дид даражасини ўртамеёна, оммабоп, «бизларга шу ҳам бўлаверади» дейдиган даражагача тушириб юборади.

Айрим фильмлардаги бачкана ва бемаъни қилиқлар, миллийлигимизга зид бўлган ҳолатлар ёшлар орасида урфга кирмайди деб ҳеч ким қаролат беролмайди. Айниқса, хориж киносаноати маҳсулотлари таъсирида ёки улардан нусха кўчириб ишланган фильмлар бунга ёрқин мисолдир. Бундан ташқари, кўп даромад келтирганлиги билан тилга тушган кўплаб фильмлар асосан маънавий мавзуда бўлиб, уларда сценарий ва жанр талаблари ҳам кўпол равишда бузилмоқда. Фикримча, бу камчиликлар профессионал бўлмаган инсонларнинг ҳам кино олаётгани билан боғлиқ.

Қисқаси, кино соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир ижодкор яратаётган асарининг инсонларга таъсирини ҳам ҳисобга олиши шарт. Акс ҳолда у эзгуликка, асрий анъаналаримиз бардавонлигига эмас, «оммавий маданият»га хизмат қилиши муқаррар.

## МУСИҚА ҲАМ ЎЛДИРИШИ МУМКИН

Сўнгги йилларда мумтоз қўшиқчилик билан бир қаторда миллий эстрада ҳам ривожланиб бормоқда. Бу ҳақда гапирганда шуни эътироф этиш керакки, айрим ижрочилар ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этилган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва муסיқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очикдан-очик Фарбдан қираиб келаётган «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш ҳолатлари тез-тез учраёпти. Клиплардаги миллий анъаналаримиз, одоб-ахлоқ меъёрларига зид лавҳалар, қўшиқ матнида турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки таллафузни атайлаб бузиб айтиш қандайдир янгича услуб ёки йўналиш сифатида баҳоланаётгани эса «оммавий маданият» таъсиридаги кимсаларнинг асоссиз даввосидан ўзга нарса эмас.

Айрим социологларнинг қайд этишича, «оммавий маданият» тарафдорлари ва мухлислари жаҳон муסיқа санъатининг бетакрор асарларини рад этиб, «огир рок», «рэп» сингари инсонни жазавага тушириб, ўзлигини унуттирадиган, шовқин-суронга асосланган жанрларни хуш кўришади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тадқиқотида кўра, баланд овоздаги муסיқа ва шовқин инсонда агрессия,

депрессия ва стресс чақирувчи омил бўлиб, қон босимининг кўтарилиши, эшитиш органларининг шикастланишига сабаб бўлади. 15 дақиқа узлуксиз «огир рок» муסיқа тинглаган тингловчининг танаси ва миясида салбий ўзгаришлар кузатилади. Бундай ҳолатда организм фақатгина 72 соатдан сўнг тикланиши мумкин.

Голландиялик олимлар бу борада ўзига хос тажриба ўтказишган. Улар учта майдончага турли ўсимликлар экишди. Биринчи майдончадаги ўсимликларга мумтоз, иккинчисига фольклор, учинчи майдончадаги ўсимликларга эса рок муסיқалари эшиттирилади. Биринчи ва иккинчи майдончадаги ўсимликларнинг ўсиши икки баравар яхшиланиши, учинчи майдончадаги ўсимликларнинг эса қурий бошлагани аниқланган, мутахассислар фольклор ва мумтоз муסיқа организмдаги хужайралар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишга, рок муסיқаси эса тирик хужайраларни ўлдиришга қодир деган хулосага келдилар. Бундан аён бўладики, «оммавий маданият» тарғиб этаётган иллатлар нафақат маънавий-тимизга, балки саломатлигимизга ҳам жиддий хавф туғдиради.

Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш, ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимиз миллий ва жаҳон муסיқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун шароит яратиш, муסיқий таълимни янада ривожлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, муқаддас динимизга хурмат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда бузғунчи ғоялар ҳам, «оммавий маданият» иллатлари ҳам уларга ўз таъсирини ўтказма олмайди.

Юқоридагилардан хулоса шуки, сиртдан қараганда арзимасдай туюлган иллат эртага катта-катта маънавий йўқолишларга олиб келиши мумкин. Бугун маънавий таҳдидларни ёмон дейиш билан иш битмайди. Уларнинг моҳиятини, шакл ва воситаларини, ортида турган кучлар, марказлар мақсадини фош этиш лозим.

**Жўрабек МУРОДОВ,**  
капитан.

## маърифат билан

## МАШЪУМ БОТҚОҒИ

ҳарнинг четроғида жойлашган экан. Кўримсизгина ошхонада ўн чоғли йигит билан суҳбатлашиб турган Шодмон ака Дилмуродни хурсандчилик билан қарши олди. «Бу йигитлар сенинг биродарларинг бўлади», дея уларнинг ҳар бирини алоҳида таништириб чиқди. Йигитларнинг ёши ўртача 20-40 ораларида бўлиб, орасида ёшлари кўпроқ, беш нафарга яқин ёши катталари эса уларнинг ислом, намоз, закот ва шу каби мавзулардаги саволларига жавоблар қайтаришарди. Дилмурод ҳам бир чеккада уларнинг гап-сўзларини тинглаб жим тураверди. Сўнг дастурхонга таом тортилди, барчалари бирга овқатланишди, яна суҳбатлашишди.

Қайтиш вақти етганда, Отабек исмли йигит мана шундай йиғилишиб, иймонлашиб туриш жуда фойдали эканлигини айтди ва Дилмуродга қараб: «Укам, энди сиз ҳам намоз ўқишни бошланг» дея тайинлади.

Орадан икки ойдан ошиқроқ вақт ўтди. Бу орада Дилмурод Ўзбекистонга келиб кетишга ҳам улгурди. Яна хорихдаги иш жойига қайтиб борди ва ўзини ёлғиз ҳис қилди. Шунда Шодмон ака ёдига тушиб, унга кўнгирак қилди. Шодмон ака айна пайтда йигитлар билан ошхонада йиғилишиб ўтиришганини айтиб, уни ҳам шу ерга таклиф қилди. Дилмурод таксид айтилган жойга борди, ўтирганлар билан сўрашиб чиқди. Худди ол-

дингидек ҳар ким ўзига қизиқ масалаларни сўрар, Отабек, Рустам сингари ёши каттароқлар жавоб беришарди. Отабек гап орасида:

– Ҳозир Сурияда аҳвол жуда аянчли, биз бориб биродарларимизга ёрдам беришимиз даркор. Агар шахид бўлсак, жаннатга кирамиз, яна ўзимиз танлаган бирор қариндошимизни ҳам ўзимиз билан олиб кириш бахтига муяссар бўламиз, – деди.

– Йўғ-е, мен ўқиган диний китобларда бошқача ёзилган эди, – деб эътироз билдирди Мурод. – Сурияга боришни умуман фойдаси йўқ, бекордан бекорга ўлиб кетамиз.

Ўз ўрнида Отабек ҳам унга эътироз билдирди, фикрлари-

ни исботлаш учун кейинги йиғилишга мавзуга оид қизиқарли видеоролик олиб келишини айтди. Дилмурод видеороликка қизиқиб кейинги йиғилишда ҳам қатнашди. Отабек ваъдасининг устидан чиқди, роликни барчага кўрсатди. Ўтирганлардан Ҳасан дегани биродарларидан бири хотини билан бирга депорт бўлиб, моддий танглиқда қолгани, уларнинг ёш болалари борлиги учун пул йиғишиб, унга ёрдам бериш лозимлигини айтди. Ўтирганлар имкон қадар кучлари етганича ёрдам қилишди. Дилмурод ҳамон кўрсатилган видеоларлар таъсирида ўтирар, жуда кўрқиб кетган эди. Шу боис уларнинг йиғишларида бошқа қатнашмай қўйди.

Бугун бу «иймонлашиб» турган кимсаларнинг асл мақсадлари фош этилди, аксарияти қонуний

жазосини олди, яна бир фитнанинг олди олинди. Айбланувчи ва гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Х. Шодмон Дилмурод ҳақида қуйидагиларни айтиб берди:

– Дилмурод бир-икки марта йиғилишларимизда қатнашди, аммо бизга ҳеч қандай моддий кўмак бермади. Намозни ҳам гоҳ ўқиб, гоҳ ўқимай юрди, бир қарорда собит тура олмайди, кўп спиртли ичимлик истеъмол қилди. Беқарорлиги, бефарқлиги учун уни жамоатимиз йиғилишларига ортқ таклиф этмай қўйдик.

Х. Дилмурод ҳам таққилланган ташкилот йиғилишларига қатнашгани, уларнинг гараз мақсадларини билса-да бу ҳақида тегишли идораларга хабар бермагани учун тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

**Дилшод ҚУРБОНОВ,**  
капитан.  
**Гули Нигор АБАЗОВА,**  
журналист.



Саммитдан сўнги ўйлар

# ШХТ – ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАКОНИ



**2015 йилнинг 9-10 июль кунларида Россиянинг Уфа шаҳрида ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирок этди. Унда ташкилотнинг фаолиятига оид қатор истиқболли қарорлар қабул қилинди.**

Маълумки, мазкур ташкилот 1996 йилдан ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, дастлаб ўз сафларида Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатлар бўлгани учун «Шанхай бешлиги» деб номланган. Унинг асосий мақсади этиб мазкур минтақавий тузилмага аъзо давлатларнинг чегаралари бўйлаб Куролли Кучларни қисқартириш, ҳарбий соҳадаги ишончли мустақамлашга хизмат қиладиган чораларни кўриш белгиланган эди. Ташкилотнинг 2000 йилда Душанбеда бўлиб ўтган йиғилишида «Шанхай бешлиги» «Шанхай форуми» деб юритила бошланди. Унинг ишида Президентимиз раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди ҳамда минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликнинг кенг доирасини яратишга йўналтирилган мазкур ташкилотга аъзо бўлиш истаги билдирилди.

2001 йилнинг июнида Шанхайда бўлиб ўтган йиғилишда эса Ўзбекистон янги ташкилот – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсисчиларидан бири бўлди. Шуни қайд қилмоқ лозимки, мамлакатимизнинг ШХТдаги иштироки мазкур ташкилотнинг кейинги ривожланишида муҳим роль ўйнай бошлади. Мазкур йиғилишда қабул қилинган ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги Декларацияда ҳамда терроризмга, сепаратизмга ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция БМТда расмий ҳужжатлари сифатида тарқатилди. Жумладан, юқоридаги Конвенцияга мувофиқ, ШХТ аъзолари ушбу жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш борасида ўзаро ҳаракатларни амалга оширишлари ва уларга қарши кураш соҳасида ўзларининг келишилган позицияларини мувофиқлаштириб бориш, ўзаро маслаҳатлашиш ҳамда маълумотлар алмашишлари қайд этилди.

2004 йилнинг июнида бўлиб ўтган Давлат раҳбарларининг Тошкентдаги саммити ШХТ ривожланишининг кейинги муҳим босқичи саналади. Ушбу йиғилишда ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли ривожланишига оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Унда Тошкентда фаолият юритадиган Минтақавий аксилтеррор марказининг штаби ташкил этилди. Унинг фаолияти ШХТга аъзо давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик органларининг терроризм хавфига қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳамда улар ўртасида тезкор маълумотлар алмашиши таъминлашга қаратилди.

Шуни қайд этиш лозимки, Тошкент саммитида ташкилот-

нинг ички тузилишини шакллантириш асосан яқунланди. Жумладан, 2004 йилдан бошлаб Пекинда ШХТнинг Котибияти фаолият юритиб келмоқда. Ўзаро доимий фаолият кўрсатадиган муҳим механизм ҳам яратилди. ШХТга аъзо давлатларнинг хавфсизлик Кенгаши раҳбарлари кенгашининг мунтазам равишдаги учрашувлари ана шу механизм ҳисобланиб, унинг асосий мақсади этиб мазкур давлатлар махсус идораларининг қурол-аслаҳа, портловчи, заҳарловчи, ядро ва радиоактив моддаларнинг ноқонуний алмашувига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлигини мувофиқлаштириш белгиланди. Тошкентдаги йиғилишда ШХТ ҳузуридаги кузатувчилар тўғрисидаги Низом ҳам қабул қилинди.

2005 йилнинг июлида Қозоғистон пойтахти Остонада бўлиб ўтган форумда ШХТга аъзо давлатларнинг фавқулодда ҳолатларни бартараф этишда ўзаро ёрдам кўрсатиш, биргаликдаги аксилтеррор тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда Эрон, Ҳиндистон ва Покистонга (Мўғулистон муқаддам эга бўлган эди) кузатувчилар мақомини беришга келишиб олинди.


2006 йилнинг июлида Шанхайда бўлиб ўтган йиғилиш ташкилотнинг ташкил топганига беш йил тўлишига бағишланди. Унда ШХТга аъзо иштирокчи давлат раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида Баёнот қабул қилинди. Бундан ташқари, ШХТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 2007–2009 йилларга мўлжалланган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик Дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ШХТнинг Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган саммитида ташкилотнинг минтақамиздаги яқин истиқболдаги фаолиятига оид муҳим ташаббуслар билан чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ҳозирги замон таҳдидларининг янги кўринишлари – терроризм, экстремизм ва наркоагрессияга қарши курашни устувор мақсади этиб қараётган биринчи ташкилот сифатида эътироф этди. Саммит якунида ШХТнинг Екатеринбург декларацияси, терроризмга қарши кон-

венцияси ва қатор қарорлар имзоланди. ШХТга раислик қилиш Ўзбекистон Республикасига ўтди.

2015 йилда эса Ўзбекистон Республикаси раислигида ШХТнинг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида халқаро ва минтақавий аҳамиятга таллуқли қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. ШХТнинг истиқболли ривожланишига оид тақлиф ва муҳим қарорлар қабул қилинди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ислоҳ Каримов барча жиддий жиҳатларни таъкидлаган ҳолда жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини мазкур муаммоларга қаратган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йили бўлиб ўтган 50-сессиясида Ўзбекистон Президенти қатор амалий тақлифларни, жумладан, Афғонистонда қарама-қарши томонларга қурол-яроғ етказиб беришни қатъиян тақиқлаш зарурлиги тақлифини илгари сурди.



Яқинда ўз ишини яқунлаган Уфа саммитида мамлакатимиз раҳбари шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини ҳал этишда, хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда ШХТнинг таъсири ва нуфузи ошиб бораётганлиги ҳамда ташкилот сафига кириш истагини билдирган давлатлар сафи кенгаётганлигини қайд этиб ўтди. Бунда ташкилотнинг фаолияти бошқа давлатларга қарши йўналтирилмаганлиги таъминлиги қатъий амал қилиш, уни мустақамлаш зарурлиги, яъни ташкилотнинг ҳарбий-сиёсий альянсга айлантирмаслик, унинг мақсад ва принципларига содиқ қолиш даркорлигини ҳам таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташкилотнинг мазкур йиғилишида яна бир бор Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини, унинг ягона йўлдонор мамлакатларнинг молиявий-иқтисодий ва гуманитар кўмагида ва бевосита БМТнинг фаол иштирокида фақат тинч сиёсий музокаралар ўтказиш, қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришиш эканини уқтирди. Бу борада Ўзбекистон яхши кўшничилик аъналарига кўра Афғонистонга мунтазам ёрдам бериб келаётганини, жумладан, транспорт коммуникацияларини барпо этиш, аҳолини электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаларини амалга ошираётганини, инсонпарварлик ёрдамини етказиб бераётганини айтди.

Маълумки, кўпчилик Афғонистондан келувчи хатарлар хавфини бутун бўй-басти билан кўрмаган, уларни тўла тушуниб етмаган кезлардаёқ, 1993 йили

Ўтган йиллар давомида Президентимиз жафокаш Афғонистон тупроғида тинчлик ва осойишталик ўрнатишга йўналтирилган кўпгина конструктив ташаббуслар билан чиқиб, Афғонистон муаммосини ечишнинг БМТ шафелигидаги халқаро механизми, яъни «6+3» мулоқот гуруҳи тузиш, ушбу мамлакатда тинчлик жараёнларини фаоллаштириш, кўп миллатли Афғонистон халқининг кўп асрлик тарихига, аънавий қадриятларига, танлаган йўлига ҳурматда бўлиш муҳимлигини қайд этиб ўтган эди. Мамлакатимиз шу ўринда Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган давлат сифатида таҳдид ва хавф-хатарнинг умумийлигини, минтақада яшаётган халқлар тақдирини учун масъулиятини чуқур англайди.

Уфа саммитида Ҳиндистон ва Покистонни ШХТга қабул қилиш жараёнини бошлаш бўйича қарор қабул қилинди. Бу ядро қуролига эга икки давлатнинг ташкилотга аъзо бўлиши нафақат минтақада, балки сайёрамиздаги хавфсизликни таъминлашнинг умумий даражасини орттиради. Шу билан бир қаторда Беларусь Республикасига кузатувчи, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал давлатларига мулоқот бўйича шерик мақомини бериш бўйича қарорлар ҳам имзоланди.

Кўриниб турибдики, ШХТ ўз сафларини шошма-шошарлик билан кенгайтириш тарафдори ҳам эмас. Зеро, тузилма бошқа давлат ва минтақалар манфаатларига қарши қаратилган сиёсий-ҳарбий иттифоқ бўлмай, у ўз фаолиятида доимо очиқлик таъминлиги амал қиладиган. Саммит якунида Уфа декларацияси, ШХТни 2025 йилгача ривожлан-

тириш стратегияси ва 2016–2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилинди. ШХТга раислик қилиш Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Ўзбекистон ШХТнинг Хартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек, наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазибаларини; гуманитар соҳада ижтимоий ва маданий тараққиёт, илм-фан ва таълим соҳаларидаги кўп томонлама, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини кўллаб-қувватлайди. Ҳеч шубҳасиз, ШХТнинг ушбу ва бошқа муҳим мақсад ва тамойилларининг амалга оширилиши, БМТ Низомини, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ кенг қўламли амалий мулоқот ҳамда ҳамкорликка тайёрлиги барча иштирокчи давлатлар манфаатларига бирдек мос келади.

Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуини кўриб чиқар эканмиз, бунда ҳамкорлигимизнинг иқтисодий жиҳатлари ҳам катта аҳамиятга эга эканлигига амин бўламиз. Чунки мамлакатларимизнинг тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва осойишталик сари одимлаши кўп қиррали иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий тараққиёт эвазига таъминланиши мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг ниҳоятда бой захиралари, илмий-интеллектуал салоҳиятининг Россия ва Хитой салоҳияти ҳамда иқтисодий ва технологик имкониятлари билан қўшилиши, назаримизда, муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотик, инвестиция ва бошқа соҳалардаги ШХТнинг барча иштирокчилари манфаатларини кўзловчи, хусусан, икки томонлама ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қиладиган ШХТнинг ушбу мураккаб вазибаларини амалга оширишдаги аҳамияти бекиёс бўлиб, уни ўз иштирокчиларининг ҳолати ва имкониятларига мос, мумкин қадар очик, омилкор ва самарали ташкилотга айланиши ниҳоятда муҳимдир.

Эндилкида ШХТ дунёнинг энг нуфузли ва жаҳонда кечаётган жараёнларга таъсирчан алгоритмлар ўтказиш қобилиятига эга ташкилотлардан бирига айланди. Шубҳасиз, ШХТ унга аъзо давлатларга дунёнинг турли минтақалари билан иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция учун янги истиқболларни очиб беради ва Марказий Осиёда, қолаверса халқаро миқёсда хавфсизликни мустақамлашга хизмат қиладиган.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**  
юридик фанлар доктори.

**Мутахассис маслаҳати**

**Ёз ойларида об-ҳавонинг кескин исиб кетиши барча тирик мавжудотлар қатори одамларга ҳам кўплаб муаммолар туғдирмоқда. Қуёшнинг беаёв қиздириши сойлар ва ҳавзалар сувини тез буғлантириб, ҳаво таркибида намлик миқдорини орттириб, нафас олишни қийинлаштиради, чўл ва даштларда одамларни қуруқ, иссиқ шамол безовта қилмоқда.**

Сўнгги пайтларда айниқса Осиёнинг жанубий ҳудудларида иссиқ таъсиридан яшаш бирмунча мураккаблашмоқда. Бунинг оқибатида, Ҳиндистон ва Покистон сингари мамлакатларда инсонлар ҳаёти ҳавф остида қолаётгани тўғрисида маълумотлар берилмоқда.

Инсон организми учун 25-32 даража илиқ ҳаво меъерий ҳисобланади. Бироқ бундай иқлимга сўнгги йилларда фақат баҳорнинг маълум кунларидагина гувоҳ бўлаёلمиз. Дунёда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, табиат билан боғлиқ турли муаммолар ўз таъсирини кўрсатмай қолмапти. Ёз кунлари кундузи, қуёш тиккага келган дамларда кўчада юриш тугул, уйдан ташқарига чиқиб бўлмас даражада қизиқ кетаяпти.

Одатда бир кунда 1,5 литрдан ортиқ сув ичиш организм учун ҳавфли дея таъкидланади. Бироқ ёзнинг ҳовуридан бамисоли ёнаётган танамиз шу қадар кўп суюқлик талаб қилганидан, баъзан кунлик сув истеъмолимиз икки баравар ортиб кетади. Айни кунларда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида одамларда офтоб уриши ва сувсизланиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Жазирамада жон сақлаш борасида мутахассислар бир қатор қоидаларни ишлаб чиққан. Қуйида ана шу қоидаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Биринчи қоида:** иссиқ иқлим шароитида очик жойда, қуёш остида иложи борича камроқ юришга ҳаракат қилинг. Аксинча, кунингизни қуёш нури тушмайдиган, мўътадил ҳарорат сақланган соя-салқин гўшаларда ўтказинг. Ичкарида бўлсангиз, ҳавони алмаштириб туришга эътибор қаратинг.

**Иккинчи қоида:** димиқиб қолмаслик учун хоналарда ҳаво айланишини назорат қилинг. Бунинг учун вентилятордан фойдаланишингиз мумкин. Кўпроқ шамол ҳосил қилиши учун уни деворнинг юқори қисмига ўрнатиш тавсия этилади. Агар таянч қисми бўлса, ерда тургани ҳам маъқул. Эшикларни очиб қўйсангиз, ҳаво янада яхшироқ айланади ва хоналар салқин бўлади. Қуёш уфқ ортига бош қўйиб, бироз салқин шамол эса бошлаганда, деразаларни очиб қўйинг, шунда кун бўйи хонада йиғилган зарарли ҳаво ташқарига чиқиб кетади.


**Учинчи қоида:** қўшимча иссиқлик чиқарадиган жиҳозлар, қурилмалардан камроқ фойдаланинг ёки муқобилини ишладинг. Яъни, турли электр ускуналари, асбоблар, масалан, чироклар, дазмолдан фойдаланганда, газда чой қайнатганда, овқат пиширганда иссиқлик чиқаради. Айниқса, телевизор, электроплиткалардан

иложи борича камроқ фойдаланиш лозим. Иссиқ ҳавода қайноқ чой ичиш ёки иссиқ таом ейиш шарт эмас, уларнинг ўрнига сабзавотлар, кўкатлар, сархил мевалар тановул қилиш фойдалидир.

**Тўртинчи қоида:** иссиқ ҳавода имкон қадар юпқароқ кийинишга интилинг. Бу ярим яланғоч кийиниш керак, дегани эмас. Бошингизга офтобдан ҳимоя қиладиган бош кийим кийиб олишни унутманг. Синтетик материаллар ҳамда зич тўқилган матолардан тикилган либосларни кия кўрманг. Кўзингизни қуёш нуридан ҳимоялаш учун махсус кўзойнақ тақиб юринг.

**Бешинчи қоида:** иссиқ иқлим шароитида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш мумкин эмас. Таркибида кофеин, шунингдек, кўп миқдорда пешоб ҳайдайдиган кимёвий унсурлар бўлган ичимликлар ҳам ёз билан «чиқишолмайди».

Одам организмида моддалар алмашиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик узлуксиз ташқарига чиқиб туради. Масалан,



мушакларнинг бир кеча-кундуз энгил ишлаши натижасида организмдан уч минг килокалорияга яқин иссиқлик чиқади.

Инсон организмида иссиқлик энергияси ҳосил бўлиши билан бирга айни вақтда уни тарқатиш жараёни ҳам давом этади. Бу эса асосан буғланиш ва терлаш ҳисобига амалга оширилади. Ушбу жараёнда одам тери қопламнинг аҳамияти катта. Агар мазкур қоплам термос деворига ўхшаб иссиқ ўтказмайдиган хусусиятга эга бўлганида эди, тана ҳарорати бир соат ичида 1,5 даражага кўтариларди, одам организмдаги суюқликлар 40 соат ичида қайнаш нуқтасига етарди.

Организмда тўхтовсиз давом этадиган иссиқлик алмашиш жараёни икки соат давомидан издан чиқса, саломатликка салбий таъсир этиб, тана ҳарорати уч даражага кўтарилари мумкин. Бундай ҳолатнинг узоқ давом этиши инсон саломатлигига путур етказади. Одамнинг кам ёки кўп терлаши бир неча сабабларга, жум-

# ОФТОБ УРИШИ

## саломатлик учун ҳавфлидир

ладан, ҳаво ҳарорати, қуёш нури таъсири, шамол тезлиги, ҳаво намлиги, кийим ранги ва қалинлиги, иш шароити, организмнинг ҳолати ва бошқаларга боғлиқ.

**Иссиқ ҳаво ва қуёш нурининг тўғридан-тўғри таъсирида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин.** Гипертермия, яъни тананинг қизиқ кетиши, офтоб уриши, организмнинг турли ҳолатларда сув ва минерал тузлар йўқотиши. Бундай кўнгилсиз ҳолатлар вазиятга қараб алоҳида ёки биригаликда содир бўлиши ҳам мумкин.

Гипертермиянинг энгил турида иштаҳа йўқолади, чанқаш, лоҳаслик кузатилади ва уйку босади. Организм ҳарорати кўтариларди, юрак уриши ва нафас олиш тезлашади, терлаш кучаяди. Ўртача гипертермияда юқоридаги аломатлар билан биригаликда бош оғриши ва айланиши, нафас қисиши, тери юзларининг кўкариб кетиши ва бўшаши кузатилади. Иссиқ урганда ҳарорат кўтарилари билан бир вақтда беҳушлик, лаблар кўкариши, юрак уриши тезлашиб, сўнг сусайиши, терлаш ҳам камайиши, айрим ҳолатларда терлаш тўхтаб қолиши ҳам мумкин.

Офтоб урганда тана ҳарорати озгина кўтарилади, бошқа клиник белгилар эса иссиқ урганга ўхшаш бўлади. Организмнинг ортиқча сув йўқотиши натижасида сувга ташналик ҳолати юз беради. Бунда одам сув ичган сари ичгиси келаверади. Танадан ажралаётган тер буғланмай, томчи ҳолатида ажралади чиқади, натижада тана ҳарорати пасаймайди. Оғир ҳолатларда эса чексиз ташналик, иштаҳа пасайиши, дармонсизлик, ошқозон-ичак фаолияти бузилиши ва мувозанатни сақлаш қобилиятининг сусайиши, ҳатто ўткир буйрак етишмовчилигига олиб келиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар содир бўлганда дарҳол беморда иссиқ алмашиш қобилиятининг тикланишига ҳаракат қилиш керак. Умуман, ҳамма ҳолатларда ҳам беморни юқори ҳарорат ҳамда қуёш нури таъсиридан соя-салқин ерга олиб ўтиш лозим ва эркин ҳаракатни қийинлаштирувчи кийимларини ечиб ташлаш, унга сув ичириш, бош ва кўкракка совуқ ҳўл латта босиш, бошни кўтариш зарур. Беморга сув ичиришининг иложи бўлмаса, тери остига ёки вена қон томирига шифокорлик муолажаси ёрдамида физиологик суюқлик юбориш керак.

Иссиқ иқлим шароитида ёғли овқатларни камроқ, янги сабзавот ва турли мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш ло-

зим. Овқатларни бироз шўрроқ еган яхши, чунки иссиқ ҳарорат таъсирида тер орқали танадан тузлар керагидан кўпроқ ажралиб чиқади. Бу эса тўқималарнинг ўз таркибида суюқликни сақлаб туриш қобилиятини пасайтириб юборади.

Овқатланиш тартибига келганимизда, у асосан иш режимида монанд тузилиши лозим. Саратонда кундалиқ истеъмол қилинадиган овқатнинг асосий қисмини эрталаб ва кечки пайтда ейиш, тушда эса янги сабзавотлардан тайёрланган ўз таркибида етарли оқсилга эга бўлган овқатларни истеъмол қилиш яхши натижа беради. Кун иссиғида кўк чой ичиш жуда фойдалидир. Турли янги мевалар – олма, ўрик, айниқса, олчадан тайёрланган шарбат ва коктейллар, шунингдек, маҳаллий сут маҳсулотларидан айрон ва қатиқ ташналикни яхши қондиради, инсон организмининг тетиклаштиради. Ичимликларни эрталаб ва кечқурун тўйгунча ичиш мумкин. Туш пайтида эса ортиқча истеъмол қилиб бўлмайди.

Иссиқ иқлим шароитида тўғри кийиниш ҳам саломатлик гаровидир. Турли рангдаги сунъий капрон тўқималар ёки қалин ялтироқ материаллардан тикилган кийимлардан кўра, синовдан яхши ўтган, қуёш нури қайтарувчи оқ ёки ёрқин оқши рангли, табиий матолардан тикилган энгил кийимларни кийиш жуда қулай.

Саратонда кун тартибига, шахсий гигиенага амал қилиш лозим. Иссиқ кунларда ишдан кейин илиқ сувли душда чўмилиш ёки ванна қабул қилишга одатланиш организмни чиниқтиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Барчага юқорида таъкидлаб ўтилган офтоб уришидан сақланиш бўйича оддий қоидаларга риоя қилиниши, вақтида овқатланиб, куннинг иссиқ пайтида белгиланган ва текширилган сув ҳавзаларида чўмилиши ёки душ қабул қилиши, шунингдек, ўзлари билан қайнатилган ичимлик сув ёки бошқа чанқовбосди ичимликлар олиб юриши, чанқаганда истеъмол қилиши фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидлаш жоиздир.

Ёзнинг иссиқ кунларида, айниқса, куннинг туш пайтида, организмни чиниқтириш, қорайтириш мақсадида офтоб нурига тери қопламани тутиш инсон саломатлиги учун ўта зарардир. Чунки куннинг бу вақтида офтоб нури таркибидаги ультрабинафша нурларининг миқдори одам организмни чиниқтириш меъёрларидан бир неча бараварга ошиб кетади ва тери қаватининг қуйишига, бошқа оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

Шуни унутмангки, ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун ўзи масъулдир.

**Баҳром Юлдашев,**  
**ИИБ СЭНБМ санитария шифокори,**  
**катта лейтенант.**

## Топқирлигингизни синаб кўринг

Мазкур қамоқхонанинг ташқил этилганидан ўн йилдан ошганди. Ўтган давр ичида бирорта маҳкум бу ердан қочишга ҳатто уриниб ҳам кўрмаганди. Шунинг учун ҳам кунларнинг бирида муассасадан олти ойдан бери шу ерда сақланаётган «Илон балиқ» лақабли ашаддий фирибгарнинг қочиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Махсус бўлинма ходимлари икки кечаю икки кундуз қамоқхона атрофининг тити-питини чиқаришди. Маҳкумнинг танишлари, қариндошларидан сўраб-суриштиришди. Уларнинг хонадонларини кўздан кечиришди. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят ишини фош этиш билан шуғулланаётган инспектор Борг ва сержант Глум охири қочқоннинг ўрмон ичи-

да жойлашган, овга чиққанида тунаб қоладиган кулбасини кўздан кечиришга қарор қилишди. Фишдан қурилган уйчанинг эшиги ҳам, деразаларининг дарчалари ҳам берк эди. Икки нафар полициячини ташқарида пойлоқчилик қилиш учун қолдириб, ўзлари амаллаб эшикни очиб, ичкарига киришди.

Уй мўъжазгина ошхона ва шинамгина хонадан иборат эди. Хонада стол, стул, оппоқ чойшаб ёпилган каравот бор эди. Деразага парда тутилганди. Китоб полкасида биттагина китоб – Жиноят кодекси турарди. Девор соати аллақачон тўхтаб қолганди. Инспектор Борг атроф-

ни синчиклаб кўздан кечириб, ўзича ғўлдирди:

## ЗИЙРАК ИНСПЕКТОР



– Кўнглим сезиб турибди. Бу ерда кимдир бор.

– Сиз ҳар доимгидек ҳақсиз, – кесатди сержант Глум чиройли

гулқоғоз қопланган деворга кўниб турган пашшага ишора қилиб.

Сўнг қўлидаги газета билан пашшани бир уриб ўлдирди. Ҳашаротнинг газетага ёпишиб қолган қонга беланган ўлигини ижирганганча силкиб полга тушуриб, тантанавор оҳангга эълон қилди:

– Энди хонада иккимиздан бўлак тирик жон қолмади.

Инспектор каравотга ёпилган чойшабга тикилганча такрорлади:

– Кўнглим сезиб турибди, бу ерда яна кимдир бор.

Сўнг кескин бир ҳаракат билан пардани очди. Қарашса, токча устида қочқон маҳкум ғужа-

нак бўлиб, кўзларини ола-кула қилиб ўтирарди.

– Танишиб кўйинг, жаноб «Илон балиқ»нинг шахсан ўзлари! – маҳкумга ишора қилиб, тантанавор эълон қилиб, худди қизиқ фокус кўрсатган кўзбойлагичдек энгилгина таъзим бажо айлаб қўйди Борг.

– Қойил! – қарсақ чалиб юборди ҳайрон қолган Глум. – Қандай қилиб унинг кулба ичидалигини билдингиз?

– Икки сабабга кўра, – деди инспектор.

**Савол:** Борг қайси сабабларни назарда тутган?


**‘ит’эвикиъ ноҳ не’еттепеш не’лид-ит’и’ ‘эви’го не’евежъе’ дит’иниъи ‘эе’ не’тин’ниъи’и ‘ит’де’и’го не’ев-по’ж’ не’е’ ниле’ж’ ин’вет’и’о’е’ э’и’ни’и’о’ иш’го ‘не’тин’ни’и’д :’ова’е’ж’**

## Китоб жавонингизга

## ФОЙДАЛИ ҚЎЛЛАНМА

**Сўнги пайтларда инсоният илм-фан ва техника, ахборот технологиялари тез суръатларда ривожланаётганига гувоҳ бўлаяпти. Афсуски, бундай ижобий ўзгаришлар билан бирга салбий тамойиллар, жумладан, трансмиллий уюшган жиноятчилик, терроризм ва экстремизм ҳам тобора кучайиб бораёптики, булар жаҳон афкор оммасини жиддий ташвишга солмоқда.**

Албатта, бу таҳдидлар мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Ўтган даврда айрим бузғунчи кучлар томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида террорчилик, экстремистик ва бошқа турдаги ҳаракатлар содир этилди. Ҳозирги вақтда республикамиздаги ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ушбу ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш, бу каби жиноятларни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада миллий қонунчилик тизими яратилди, мамлакатимиз кўплаб халқаро конвенцияларга қўшилди. Мазкур тадбирларни сифатли ва самарали амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва миллий қонунчиликка оғишмай риоя этиш, қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан ички ишлар идоралари ходимларининг бу борадаги билимини янада ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ томонидан хайрли ишга қўл урилди ҳамда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами яратилди. Тўпланда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш соҳа-



сидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, МДХ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар, миллий қонунларимиз ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрин олган.

Шунингдек, тўпланда Ўзбекистон фуқароларининг чет элга чиқиш тартиби, БМТ, Интерпол, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДХ ва бошқа ташкилотларнинг тарихи, жаҳон сиёсий майдонида тутган ўрни, вазифалари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган. Мазкур тўпланда терроризм ва экстремизмга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг кундалик хизматда фойдаланиши, амалий кўникмалар ҳосил қилиши, ўз фаолиятларини амалга оширишда қонун устуворлигига эришиши учун қимматли қўлланма бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз. Тўпланда суд, прокуратура, судья фаолияти, божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ИИВнинг соҳавий хизматлари, хусусан ЖҚ ва ТҚКББ ҳамда унинг қуйи тизимлари ходимлари фаолиятида асқотиши шубҳасиз.

**М. ФОЗИЛОВ.**

## Тадбир

**Халқаро майдонда турли мафкура ва ғоялар, ахборот уруши кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали пайтда ёшларимизни турли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишни, тинч-осуда ва фаровон турмушимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада, айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг онгу шуурига шукроналик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини синдириш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолмоқда.**

Мазкур вазифаларни тўлақонли адо этишда маънавий-маърифий, профилактик тадбирлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд вилояти ИИБ, Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирларда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилиб, қуруқ маърузабозлик, узок давом этадиган зерикарли йиғилишлардан воз кечилмоқда. Бунинг ўрнига сезиларли даражада самара берадиган ва ижобий таъсирга эга бўлган сценарийлар асосида қатор умумпрофилактик тадбирлар тизимли равишда ташкил этиляпти.

Яқинда шундай тадбирлар вилоятнинг Пастдарғом, Иштихон, Оқдарё ва Ургут туманларида юқори савияда ташкил этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, вилоят фаоллари, кенг жамоатчилик, юзлаб ёшлар жалб этил-

## ОСУДА ҲАЁТ ҚАДРИ



ган, иқтидорли ўғил-қизлар қўллаб-қувватланган мазкур тадбирлар ҳар бир ҳудудда эрта тонгдан то кеч тушгунга қадар очик ҳавода ўтказилди. Хусусан, Пастдарғом туманидаги 248-милиция таянч пункти олдида ташкил этилган тадбир пастдарғомлик ёшлар хотирасида бир умр қоладиган бўлди. Боиси, «Ёшлар – бизнинг келажакимиз!» шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирда маҳалла ёшлари спортнинг футбол, стол теннис, югуриш, шахмат турлари бўйича беллашдилар. Шу билан бирга, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтирадиган, маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган «Билимдонлар беллашуви», «Энг яхши китобхон» сингари маънавий-маърифий тад-

бирлар ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Мусобақа ва танловлар голиблари тадбир ташкилотчилар томонидан ажратилган спорт анжомлари ва кийимлари, китоб ва «Инглиз тилини ўрганамиз» номли дисклари билан тақдирланди. Тадбир якуни концерт дастурига уланиб кетди. Бу маҳалла аҳлига янада кўтаринки кайфият бағишлади, хуррамлик улашди.

Шубҳа йўқки, бундай тадбирлар ёшларнинг келгусида соғлом турмуш тарзини танлашида муҳим ўрин тутади.

**Рашид РАХИМОВ,**  
подполковник.

Самарқанд вилояти.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА**  
олган сурат.

## «Ғамхўрлик – 2015»

## МАРОҚЛИ, МАЗМУНЛИ ВА УНУТИЛМАС

**Болалар бежиз ёз фаслини интизорлик билан кутишмайди. Сўлим гўшаларда таътилни мароқли ўтказиш, ҳар хил кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш, табиат гўзаллигидан завқланиш мурғак қалбларга олам-олам қувонч бахш этади. Навоий вилоятининг Кармана туманидаги «Офтобжон» ва «Ишонч» оромгоҳларида ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизлар ҳам ана шундай ҳиссиётлар оғушида ёзни соз ўтказишмоқда.**

«Офтобжон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи «Навоийазот» акционерлик жамияти тасарруфида бўлса, «Ишонч» оромгоҳи вилоят касба уюшмалари бирлашмасига қарашли. Иккала оромгоҳда ҳам айни пайтда дастлабки босқич бошланиб, болажонларнинг шўх ўйин-кулгиси авжида. Уларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашда, шунингдек, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати катта бўлмоқда.

– Бу йил ҳам оромгоҳимизда уч босқичда минг нафарга яқин болаларнинг дам олиши кўзда тутилган, – дейди «Офтобжон» болалар оромгоҳи директори Ҳамида Ҳалимова. – Айни пайтда 330 нафар ўғил-қиз яратилган қулайликлардан баҳраманд бўлишяпти. Улар «Навоийазот» акциядорлик жамияти ишчи-ходимларининг, кам таъминланган ва кўп болали оилалар-

нинг фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидир.

Дарҳақиқат, оромгоҳга ташриф буюрган кишининг баҳри дили очилади. Болажонлар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб кишининг ҳаваси келади. Бинобарин, дам олувчилар бу ерда инглиз тилини ўрганиш баробарида, шахмат-шашка, компьютер саводхонлиги, мусиқа, тикувчилик тўғрисида ижодий имкониятларини намойиш этишлари мумкин. Бундан ташқари, компьютер хоналари, кутубхона ва маънавият хонаси ҳам улар ихтиёрида. Ўзбек Давлат цирки, Бухоро кўғирчоқ театри ва «Шириш» маданият саройи санъаткорларининг сахналаштирилган дастурлари ҳам болаларда унутилмас таассурот уйғотмоқда. Миллий спорт уйинлари, «Ёш кутқарувчи» ҳамда «Соғ танда – соғлом ақл» спорт



беллашувлари эса ўзгача шуқуқ бағишляпти.

«Ишонч» болалар оромгоҳида яратилган шароитлар ҳам «Офтобжон»-никидан қолишмайди. Бу ерда, айниқса, спорт-соғломлаштириш ва тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Гуруҳларро мусобақалар ташкил этиляпти, тест синовлари ўтказиляпти. Шунингдек, турли кўриктанловлар ҳам болаларнинг билим ва ижодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётди.

Қисқаси, иккала оромгоҳда ҳам болажонларнинг ёзги таътили ғоят мазмунли ва самарали ўтмоқда. Улар оромгоҳлардан олам-олам таассуротлар билан қайтишига шубҳа йўқ.

**Мирзокул АҲАДОВ.**  
Навоий вилояти.  
Муаллиф олган сурат.

## «101»

## ХАБАР ҚИЛАДИ

**Ўтган ҳафтада республикамиз ҳудудида 308 та ёнғин қайд этилди. Турли сабабларга кўра содир бўлган ёнғинларда етти киши тан жароҳати олган. 710 миллион сўмликдан ортик қурилиш материаллари ва 553 миллион сўмликка яқин моддий бойликлар ёнғиндан сақлаб қолинган.**

**Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида** яшовчи фуқаро К. Назаров уйида пайвандлаш ишларини бажараётиб хавфсизлик талабларига риоя этмаган. Натижада ёнғин келиб чиққан ва аввал «ГАЗ-2410» русумли енгил автомобили ёниб, олов уйнинг томига, кейин қўшни хонадонга ўтиб, том қисмини зарарлаган. Энг ёмони, хонадон соҳибаси ва ўғли куйиш тан жароҳати олган ҳолда шифохонага ётқизилган.

Ёш болаларнинг шўхлиги оқибатида **пойтахт вилоятининг Зангиота туманида** истиқомат қилувчи У. Ёқубовнинг уйида ёнғин содир бўлиб, уйнинг томи, шифт қисми ва жиҳозлари ёнган. Олов қўшни хонадонга ҳам тарқалиб, уйнинг 20 кв. метр майдонда том қисмини ёндирган.

**Хоразм вилояти Шовот туманида** яшовчи Э. Нажимовнинг уйида эса электр симларининг қисқа ташуви натижасида ёнғин рўй берган. Натижада уйнинг 230 кв. метр майдонда томи, шифт қисми ва жиҳозлари ёниб зарарланган.

**Кўринадик, ёнғинлар асосан бепарволик ва эътиборсизлик туфайли содир бўлмоқда. Шундай экан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ёддан чиқарманг. Газ ва электр жиҳозларидан тўғри фойдаланинг, очик оловдан фойдаланишда эътиборсиз ва бепарво бўлманг!**

**Жалолiddин ҲАКИМОВ,**  
майор.

## Ё, алҳазар!

Янгиер шахрида яшовчи Курбоновлар (исм-шарифлар ўзгартирилган) оиласида аянчли воқеа рўй берди. Ўғил отасини бўғиб, ўлдириб қўйди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу мудҳиш хабардан ҳамма ёқасини ушлади, ноқобил фарзанднинг қилмиши кўпчилиكنинг нафратини кўзгатди.

Ботир болалигидан бироз эркатой, дангаса бўлиб ўсди. Шунинг учунми, ёши йигирмадан ошганда ҳам бирор ишнинг бошини тутмади. Бир кун бу касбни эгалламоқчи бўлса, эртасига бошқа касбга қизиқди. Тенгқурлари аллақачон ишга жойлашиб бўлганида ҳам бекор юришдан зерикмади. Ниҳоят, такасалтанглик жонига тегди, шекилли, хорижга бориб ишламоқчи бўлди. Бундан хабар топган отаси Йўлчибой ака:

– Ўғлим, чет элда нима қиласан, ҳамма жойнинг ўз тошу тарозиси бор, ахир. Яхшиси, мен билан ишла. Мана, шу хунарнинг ортидан рўзгор тебратиб келяпман. Ҳеч кимдан кам эмасмиз, сен ҳам кам бўлмайсан, – дея насиҳат қилди.

Ботирга отасининг бу гап-сўзлари асло қор қилмади.

– Нима мен ҳам қорамойга ботиб ишлашим керакми? Йўқ, сизнинг ишингиз менга тўғри келмайди. Мен чет элдан жарақ-жарақ пул ишлаб келаман!

Ботир шундай деди-ю, гўё чет элдан бойвачча бўлиб келгандек гердайганча ўрнидан турди.

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг хорижга жўнаб кетди.

Ботир чет элга бориб, у ердан бирданга бойиб келиш орзусида эди. Лекин бу хомжаёл бўлиб чиқди. Ўн йилча ўтиб, бир аҳволда аранг уйига қайтиб келди. Чунки чет элда ҳам ёлчители ишла-

# ПАДАРКУШ

## ёхуд ноқобил ўғилнинг кечирилмас қилмиши



маган эди. Ялқовлиги, ишёқмаслиги туфайли оғир ишларга бўйни ёр бермади. Қаерлардади қоровуллик қилиб, охирида хайдалиб, уйига қуруқ қўл билан кириб келди.

Йўлчибой ака ўғлини ёнига ўтиргизиб, яна насиҳат қилди: – Бўлар иш бўпти, ўғлим. Энди йўлдан адашмай, бирор касбни ўрган, саёқ юриш йигит кишига ярашмайди. Сен тенгилар аллақачон уйли-жойли бўлиб, оила тебратаяпти.

Ботир отасига хўп деб, иш қидиргандай бўлди. Лекин қўлида бирор касби-хунари бўлмаган кишини ким ҳам ишга оларди, дейсиз. Оғир-

роқ ишга эса йигитнинг хуши йўқ.

Хуллас, Ботир ишга кирмади. Аксинча, уялмасдан гоҳида отасидан, гоҳида ўғай онасидан пул олиб, ичиб юрарди.

Ана шундай кунларнинг бирида у уйга маст ҳолда келиб касал бўлиб ётган отасидан пул сўради.

– Ҳали пенсия олганим йўқ, – деди Йўлчибой ака. – Шундоқ ҳам дори-дармонга кўп пул кетаяпти.

– Бўлмаса онамнинг пенсия пулидан олиб беринг!

– Эҳ, нодон бола, агар гапимга кирганингда эди, ҳозир пулнинг қули бўлиб юрмасдинг. Касбимни ўрган десам

ёқмади. Ана аммангнинг ўғли ёнимга бориб кам бўлмади. Уйланди, машина олди. Сен чет элга кетдинг. Бойвачча бўлиб келаман, машина оламан, дегандинг. Ўн йилда икки мартагина пул юбординг, қанчалигини айтишга ҳам арзимайди. Чет элдан қайтиб келаётганингда Тошкентдан Янгиерга келишга ҳам пул тополмай, ҳайдовчидан қарз бўлиб пенсия пулимиздан тўладинг.

– Дада, чет элда ишладим, пулимни бермади ит эмганлар, – дея ўзини оқламоқчи бўлди Ботир.

– Келганингга беш-олти ой бўлиб қолди. Бирор ишга кирмадинг, уялмасдан ҳар

кун мендан, онангдан пул сўрайсан. Йигитлик ғурури борми, ўзи сенда!

Бу гап Ботирга қаттиқ ботди. «Берган пулингизни намунча миннат қиласиз», деб ўшқирди-ю, икки қўли билан отасининг томоғидан бўғди. Йўлчибой ака унинг қўлларини ортга қайтармоқчи бўлди, аммо кучи етмади.

Шу тобда ота-боланинг жанжалидан юраги безовта бўлган Шоиста опа хонага кириб келди.

– Ҳой Ботиржон, нима қияпсан, отанга қўл кўтарма, иймнинг куяди.

– Сенинг ишинг бўлмасин, барибир менинг онаммасан!

Бу пайтда Ботир отасининг бўғзидан қўлини тортди. Шоиста опа Йўлчибой аканинг ёнига келди-да, унинг нафас олмаётганини кўриб дод солди.

– Отангни ўлдирибсан-ку, номард, илойим қўлинг синсин!..

Фарзанд – ҳаёт давомчиси, ота-онанинг бахти, қувончи. Ҳар бир ота-она ўғил-қизларининг комил инсон бўлиб вояга етишини, камолини кўришни, уларнинг тимсолида амалга ошмаган ўз орзу-ниятларининг рўёбга чиқишини истади. Ана шу мақсад йўлида улар ҳатто жонидан ҳам воз кечишга тайёр туради. Бироқ дунёга келганида ота-онаси қалбини қувончга, хонадонини нурга тўлдирган фарзанд ноқобил бўлиб чиқса-чи... Тарбияда йўл қўйилган хатолик ёки бошқа сабабми, ота-онасининг бошини ҳам қилса, энг ёмони, падарининг қотилига айланса-чи... Бундай оғир гуноҳга қўл урган фарзанд кечириб бўлармикан? Тақдирнинг ана шу аччиқ ёзуғидан Яратганининг ўзи асрасин.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

*Сирдарё вилояти.*

**Рашид (исм-шарифлари ўзгартирилган) асли ғузорлик, оилали, бола-чақали. У айти болаларини оёққа қўйиб, оталик тарбиясини берадиган маҳалда «айниди», тўғрироғи, ўзи тарбияга муҳтож бўлиб қолди. Қарши шахрида яшайдиган, худди ўзидек оилали аёлга илакишди. Аввалбошда ким кимни йўлдан ургани номаълум. Аммо ҳар иккаласи ҳам муқаддас саналган оилага, турмуш ўртоқларига, гулдек ўғил-қизларига хиёнат қилгани аниқ.**

Рашиднинг кўнғироқ қилиб «бугун кечга бораман, ўша жойда учрашамиз», деган сўзлари Гулсанамнинг кайфиятини тоғдек кўтарди. Вақт тезроқ ўтишини ва кеч тушишини интиқ бўлиб кутган аёл ўзини чалғитиш учун елиб-югургилаб юмушларни бажарган бўлди. Кечга яқин ясениб, ўзига оро берди, сўнг турмуш ўртоғини алдаб уйдан чиқди.

Қиш фаслининг куни бир тутам бўлади. Фирашира вақтни кутиб маъшуқа илдам қадамлар билан учрашув жойига

ошиқиб, ўзини интизор бўлиб кутаётган эркак қучоғига отди. Иккиси бор дунёни унутиб, вақт алламаҳал бўлганини ҳам эсдан чиқариб юборишди. Қачонки уларни «безовта» қилишгачина барчасига пушаймон бўлишди, аммо энди кеч бўлганди.

...Нодир жияни Актам ва қўшниси Жаҳонгир билан уйда ўтириб зерикашди, чоғи, ташқарига чиқишди. Сўнг гап-гап билан «юринглар, би-ир айланиб келамиз» деб йўлга тушишди. Катта кўчага тезроқ чи-

# ГУНОҲ



қиш, йўлни яқин қилиш мақсадида қабристон ичидан юришди. Қоровулхона ичида чироқ ўчган, лекин қандайдир ёруғлик кўзга ташланарди – бу йигитларнинг диққатини тортди. Яқинроқ бориб қараш-

са, эшик маҳкам ёпилган, электр иситкич қўшилган. Ичкаридан аёл ва эркак кишининг қикирлаб кулган овози эшитиларди. Шунда Нодир қоровулхона эшигини тақиллатиб: «ҳой, ким бор бу ерда», дегач

улар жим бўлиб қолишди. Яна қаттиқроқ уриб, тепса ҳам ҳеч бир сас чиқмади. Шундан сўнг учовлон биргалашиб, бир амаллаб ичкарига киришди.

– Бизга тегманглар, ўғлимизнинг қабрини зиёрат қилгани келганимиз, – деди ярим яланғоч ҳолда турган ошиқ-маъшуқлар бараварига.

Нодир Рашидни ташқарига олиб чиқди-да, қатъий оҳангда сўради:

– Унда, қани, ўғлингнинг қабрини кўрсат!

Рашид кутилмаган бу сўроқдан довдираб қолди. Ёлғон гапирганини билган йигитлар уни роса тепкилашди-да, қоровулхона эшиги олдига судраб келишди. Бу пайтда Гулсанам ҳам ташқарига чиққан, фақат битта сўзни тақрорларди: «Эримни урманглар, нима десанглар розиман!».

Аёлнинг бу зорланиши ёш йигитларнинг

фикри-хаёлини бузди. Навбати билан қоровулхонага кириб, аёл билан жинсий алоқада бўлишди. Кейин ҳар иккаласини яна ичкарига киритиб, эшикни ташқаридан қулфлашди...

Тонг отди. Қабристон ишчилари эшикни очиб, тунги «меҳмон»ларни ташқарига чиқишига имкон яратди. Мушт ва тепки зарбидан юз-кўзи шишиб кетган Р. Қориев шифохонага жўнатилди. Қилмишларининг оқибати нима билан тугашини бирров ўйлаб кўрмаган учала йигит эса тез орада ушланиб, тегишли жазоларини олишди.

Қабристон – мархумлар макони. Нопок ишлар қилиб, бу жойни топташ энг катта гуноҳдир. Бу шаъриятда ҳам, инсонийлик юзасидан ҳам сира кечирилмайди.

**Ш. ЖАҲОНГИРОВ,**  
**майор.**

*Қашқадарё вилояти.*

## Орамиздаги чемпионлар



2001 йилнинг ёз ойлари. Чўмилишдан қайтаётган Мусо ўртоғи Собирга деди:

— Мактабимизда каратэ тўғриси очилибди. Юр, бориб кўрамиз.

— Бизни залга киритишмайди. Бориб нима қиламиз?

— Юрсанг-чи, шунчаки бориб томоша қилиб келамиз.

Ўртоғининг қистови билан Собир Мусога эргашди. Улар мактабга етиб боришганида, спорт залида аллақачон машгулотлар бошлаб юборилган эди. Улар ўйлагандек каратэ тўғриси эмас, кўл жанги тўғриси фаолият кўрсатётган экан. Залда булар-

дан бошқа томошабинлар ҳам бор эди. Машгулотлар тугагунча шу ерда ўтириб томоша қилишди. Кейин уйларига қайтишди.

Эртасига Мусо одатдагидек чўмилишга эмас, тўғри мактабга борди. Ўзидан кичик, тенгқур, бир-икки ёш катта болалар берилиб машқ қилар, ўртада эса уларга мураббий кўрсатмалар бериб турарди. Мусо мураббийнинг ҳар бир кўрсатмасини, усулларини диққат билан кузатиб турди: қачон ҳимояланиш, қайси пайти ҳужумга ўтиш... Ва ниҳоят, машгулотлар тугаб, мураббий ҳаммага бир қатор бўлиб сафланишга буйруқ берди. Кейин бир болани

## ... БОШИДАН МАЪЛУМ ЭДИ

олдига чақириб, «У билан ким яккама-якка чиқади?» деб сўради. Лекин биронта боланинг мен чиқаман, дейишга юраги дов бермади. Мураббий яна сўради. Тагин ҳеч кимдан сас чиқмади. Шу пайт чеккароқда томоша қилиб турганлар орасидан «мен чиқаман» деган овоз эшитилди.

— Ким у, қани ўша қахрамонни бир кўриб қўйлик, — мураббий шундай деганча томошатаблар томонга юзланди.

Улар орасидан 13 ёшлардаги бир болакай чиқиб келди. У бизга таниш Мусо эди. Мураббий унга бошдан-оёқ яхшилаб разм солиб, кейин деди:

— Сен «спарринг» чиқмоқчи бўлган бола бир ойдан бери кўл жанги билан шуғулланиб келяпти. Бунинг устига бўйинг ҳам пастроқ экан. Кўрқмайсанми?

— Йўқ, нимадан кўрқим керак?

Мусодаги қатъиятни кўрган мураббий яккама-якка беллашувга рухсат берди. Беллашув узоққа чўзилмади. Мусо бироз олдин мураббий кўрсатган усулларни кўллаб, рақибини мағлубиятга учратди. Мураббий унинг кўлини кўтариб, ғалаба қозонганини эълон қилди. Кейин бир қатор бўлиб турган бола-

ларга қараб, «Хўш, ораларингда бу бола билан курашадиган мард борми?» деди. Улар орасидан уч бола чиқиб келди. Мусо уларни ҳам мағлуб этди.

— Исминг нима, ўғлим? — деди мураббий кўзларига ишонмай.

— Мусо.

— Ҳозир рақибларингга қарши ишлатган усулларни қаерда ўргангансан? Биронта спорт билан шуғулланганмисан?

— Йўқ, кеча-бугун болаларга ўргатаётганингизда кузатиб туриб эслаб қолгандим.

— Машгулотларда иштирок этишни, кўл жанги билан шуғулланишни хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман. Фақат отам рози бўлмайди-да. Яқинда мени оромгоҳга юбормоқчи.

— Отанг билан ўзим гаплашаман...

Ўша пайтлари Янгийўл туманидаги мактаблардан бирида кўл жанги тўғриси очган майор Нуриддин Абдурахмонов айтганини қилди. Мусони тўғрака жалб қилиб, кўл жангининг нозик томонлари, ўзига хос жиҳатларини ўргатди.

Бугун у кунларни Мусо Маметов энтикиш, ҳаяжон билан ёдга олади. Шундай

бағрикенг ва қатъиятли устозни рўпара қилгани учун тақдирдан миннатдор. Негаки, Мусо мураббийининг айтганларига амал қилиб, кўл жангини ўрганиб кам бўлмади. Дастлаб 9-синфда ўқиб юрган кезлари Фарғонада ўтказилган кўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионатида зафар кучди. 2012 йил декабрь ойида кўл жангининг Р-1 йўналиши бўйича мутлақ чемпион бўлди. Ўша йили ИИБ тизимида ўтказилган кўл жанги бўйича очик чемпионатда биринчи ўринни забт этди.

Мусо Маметов ўтган йили Чехия пойтахти Прага шаҳрида бўлиб ўтган Европа очик чемпионатида учинчи ўринни кўлга қиритди. Жорий йил Москвада ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди.

Айни пайтда у ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли подполковник Илҳом Ортиқов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда шартнома асосида хизмат қилмоқда. Кўл жанги йўриқчиси лавозимида аскарларга мазкур спорт тури бўйича машгулот ўтказмоқда. Эътиборлиси, биринчи устози, майор

Нуриддин Абдурахмонов ҳам у билан ёнма-ён, ҳарбий қисмининг жанговар тайёргарлик бўлинмаси мураббийи.

— Нуриддин акадан бир умр миннатдорман, — дейди шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мусо Маметов. — У билан бир жойда, бир ҳарбий қисмда хизмат қилаётганимдан жуда хурсандман. Ҳали устозимдан ўрганадиган жиҳатларим жуда кўп. Насиб қилса, келажакда бундан ҳам юқори натижаларга эришишни хоҳлайман.

Мусо Маметов билан суҳбатимиз кўпга чўзилмади. Спорт билан мунтазам шуғулланиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, ҳам Ватан олдидаги шарафли ва масъулиятли хизматини бекаму кўст адо этиш осон иш эмас, албатта. Нима ҳам дердик, чемпионга бундан кейинги фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз, яна кўплаб мусобақаларда голиб бўлиб, Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаверсин!

Фозил  
МАМАШАРИПОВ.  
Абу КЕНЖАЕВ  
олган сурат.

Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт



## АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Навоий вилояти ИИБ томонидан ҳар йили анъанавий тарзда футбол турнири ташкил этиб келинмоқда. Бу галги мусобақа – вилоят «Динамо» ЖТСЖ кубоги Кармана туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўйингоҳида бўлиб ўтмоқда.

Мусобақа вилоят Ички ишлар бошқармаси, туман ИИБ ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган турнирда умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан иборат бешта жамоа голиблик учун баҳс олиб борапти.

Турнирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник Р. Абдуллаев бундай мусобақалар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ёзги таътил даврида бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта ҳисса қўшишини таъкидлади.

Қуръа натижасига кўра, 22 ва 9-умумтаълим мактаблари жамоалари мусобақани бошлаб берди. Қизиқарли кечган ўйинда 22-мактаб ўқувчилари 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мусобақа давом этмоқда.

Фаррух ЯКУБОВ,  
лейтенант.  
Навоий вилояти.

## ▼ Дзюдо

## НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Бугун Россиянинг Тюмень шаҳрида дзюдо кураши бўйича «Улкан тож» туркумига кирувчи йирик халқаро турнир бошланди. Мусобақада 55 давлатдан 328 нафар спортчи қатнашмоқда.

Нуфузли халқаро турнирда юртимиз шарафини тўрт нафар спортчимиз ҳимоя қилади. Жумладан, Гийёсжон Бобоев (-73 кг), Соиб Қурбонов (-100 кг), Рамзиддин Саидов (+100 кг) эркаклар, Гулноза Матниёзова (-70 кг) эса хотин-қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда голиблик учун кураш олиб боради.

Эътиборли жиҳати, турнирда XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун рейтинг очколари ҳам ўйналади. Хусусан, биринчи ўринни эгаллаган дзюдочилар 500 рейтинг очкосига эга бўлади.

## ▼ Футбол

## МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИСИ КИМ БЎЛАДИ?

УЕФА ортада қолган мавсумнинг энг яхши футболчисини аниқлашга киришди. Яқинда ўн нафар номзод футболчининг номлари эълон қилинди.

Номзод футболчилар ўнлигига Италиянинг «Ювентус» жамоасидан энг кўп – беш нафар футболчи, жумладан, Жанлуиджи Буффон, Артуро Видаль, Андреа Пирло, Поль Погба ва Карлос Тевес киритилган. Кейинги ўринда эса «Барселона». Ушбу жамоадан аргентиналик Лионель Месси, бразилиялик



Неймар ва уругвайлик Луис Суарес мавсумнинг энг яхши футболчиси бўлиш учун кураш олиб боради. Шунингдек, португалиялик футбол юлдузи Криштиану Роналду («Реал», Испания) ҳамда ўтган мавсумда чиройли ўйин кўрсатган Эден Азар

(«Челси», Англия) ҳам номзодлар рўйхатидан жой олган.

Ҳакамлар ҳайъати ушбу футболчилар орасидан уч нафар энг яхши футболчини танлаб олади. Уларнинг номлари 12 август куни эълон қилинади. Голиб номи эса 28

август санасида маълум бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Европада мавсумнинг энг яхши футболчиси совринига 2011 йили Лионель Месси, 2012 йили Андрес Иньеста, 2013 йили Франк Рибери ва ўтган йили Криштиану Роналду сазовор бўлган.

Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

## Ҳуқуқий маслаҳатхона

### «ШАРТЛИ ВАСИЯТНОМА» ШАРТЛАРИ



— Амаким менга мол-мулкни «шартли васиятнома» асосида мерос қилиб қолдирмоқчи. Айтинг-чи, «шартли васиятнома» деганда нима тушунилади? Бу бошқа васиятномадан қайси жиҳатига кўра фарқ қилиши мумкин?

**Б. ЮСУПОВ.**  
Тошкент шаҳар  
Чилонзор тумани.



— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1121-моддасига асосан, васият қилувчи меросхўрга меросни олиши учун муайян ҳулқ-атвор хусусиятларига эга бўлишини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли. Бу «шартли васиятнома» ҳисобланади.

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ғайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди. Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайди шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланган.

Саволингизга ҳуқуқшунос Наталья МИРАСИЛОВА жавоб берди.

### УЙ ЭГАСИГА ПУЛНИ ТўЛАБ ҚўЙГАНМАН...



— Уй сотиб олиш учун эгасига пулни тўлаб қўйганман. Лекин уйни ҳали ўз номимга ўтказишга улгурмаган эдим. Аини пайтда уйнинг собиқ эгаси номаълум жойга кўчиб кетган. Яъни у ҳақда маълумот топа олмаيمиз. Бундай ҳолатда уйни ўз номимга расмийлаштиришим учун нима қилсам бўлади?

**Ў. ОЛИМОВ.**  
Тошкент вилояти Қибрай тумани.



— Уй-жойни сотиб олиш шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 366-моддаси 4-қисмида белгиланганидек, ёзма шаклда тузиладиган шартномадир. Шунингдек, мазкур кодекснинг 480-моддасига асосан, уй-жой олди-сотди шартномаси тузилмаслиги ёки унинг шаклига риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Уй-жой сотиш шартномасига бинонан, кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлади. Бундай шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Бундай фаолият амалга оширилганидан кейингина рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Демак, уйнинг ҳақини тўлаш билан бирга олди-сотди шартномасини тузиш ва шартномани нотариал тартибда тасдиқлатиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш керак эди.

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бундай ҳолатда битим Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 112-моддаси 1,2-қисмларига асосан, суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Демак, бунга асосан, айтиш мумкинки, энди сиз олди-сотдига оид барча далилларни тўплаган ҳолда, жавобгар, яъни уйини сотувчи яшаб турган жойдаги туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилишингиз тавсия этилади.

Саволингизга ҳуқуқшунос Ботир НАМОЗОВ жавоб берди.

### Бу – қизиқ!

### ШЕРЛАР НИМАДАН ҚўРҚАДИ?

Бу саволга, балки, филдан ёки тимсоҳдан деб жавоб берарсиз. Тўғри, улар сув ичишга келаётган филлар тўдасини кўришса, тумтарақай бўлиб қочишади. Дарёда тимсоҳга дуч келишдан ҳам чўчишади. Аммо шерни ҳам, ҳатто филни ҳам орқа-олдига қарамай қочишга мажбур қиладиган жониворлар бор. Булар кўчманчи чумолилардир.

Улар улкан тўдаларга бирлашиб, кўчиб юришади. Кўпинча қош қорайганда йўлга чиқишади. Баъзан сафлари энига бир неча юз метрга чўзилади. Очофатлар йўлларида учраган жониворларни талаб, еб кетаверишади. Ҳатто ўзларининг қариндошлари бўлган бошқа чумоли турларига ҳам шафқат қилиб ўтиришмайди.

Бир гал қафасдаги қоллонни ғажиб кетишган экан. Бошқа сафар йирик бўғма илон – питоннинг шўрини қуритишган. Қоровуллар қочиб кетган қамоқхонадаги маҳкумларни чакавериб, тишлайвериб ўлдириб қўйишгани ҳам маълум. Боғланган итларнинг тақдирини-ку гапириб ўтирмайлик.


Ушбу турдаги чумолиларнинг жағи ниҳоятда бақувват бўлади. Энди жониворларнинг танасидан этини юлиб олаверишини бир тасаввур



қилиб кўринг. Бунақада уларнинг дастидан ҳатто улкан жониворнинг ҳам бир неча дақиқа ичида куруқ устухони қолиши аниқ.

Аммо ваҳимага ўрин йўқ. Бирор қишлоққа кўчманчи чумолилар ёприлиши хавфи туғилса, аҳоли мол-ҳоллари билан бир неча кунга хавфсиз жойга кўчгани маъқул. Бу орада қишлоққа етиб келган чумолилар уй сичқонлари, бошқа текинхўр жониворлар ва чаёнларни паққос туширишади. Шу тариқа одамларга озроқ бўлса ҳам фойда келтиришади.

### ҒАРОЙИБ «МУЗЕЙ»



Канадалик миллионер Жорж Дау турли жониворларни излаб дунёни кезиб чиққан. Уларни нима қилад дейсизми? Терисига сомон тикиб, тулумга айлантиради. Унинг уйида айик, жирафа, морж, каркидон, бегемот, тоғ эчкиси, оху, сиртлон, арслон, шер, маймун, зебра, ҳатто филнинг тулумини учратиш мумкин. Кекса миллионернинг коллекциялари сони ортиб боравергач, у уйини музейга айлантиришга қарор қилди. Дизайнерлар эса ҳар бир тулум атрофида унга мос табиий муҳитнинг сунъий кўринишини яратишга ҳаракат қилишди. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирда «музей»ни 8,7 миллион АҚШ долларига баҳолаш мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

### КўЙ



Қизикқонлигингиз, шошма-шошарлигингиз оилангиз барқарорлигига пугур етказиши мумкин. Бошқаларнинг ҳам қизикқонлигини ҳисобга олинг, уларни тушунишга ҳаракат қилинг. Аиниқса, яқинларингиз билан ўзаро муносабатга киришганингизда, муроса йўлини тутинг. Акс ҳолда зиддиятлар келиб чиқиши эҳтимоли бор. Бунинг оқибатида ҳафтанинг охирида яққалиниб қоласиз.

### СИГИР



Ўзингизни жиддий тутишга ҳаракат қилинг. Юзага келган вазиятнинг моҳиятига етарли даражада эътибор бермаслигингиз мумкин. Юз бераётган воқеа-ҳодисалар сизга тинчлик бермайди. Натижада бутун ҳафта давомида ҳордиқ чиқара олмайсиз. Тинчгина ўз ишингиз билан шуғулланиш ўрнига пухта ўйланмаган, шошилини қарорлар қабул қилишда давом этасиз. Шу билан бирга атрофингиздагиларга маслаҳат беришга ҳам улгурасиз.

### ЭГИЗАКЛАР



Ушбу ҳафтада қийин вазиятга тушиб қоласиз. Муаммоларни бир ўзингиз ҳал эта олмайсиз. Хужжатларга алоқадор бўлган ёки бошқалар билан боғлиқ муносабатларга тегишли масалаларда сизга ҳуқуқий ёрдам керак бўлади. Юзага келган муаммоларни енгиллаштира оласиз, лекин қўлга киритилган натижалардан кўнглингиз тўлмайди. Энди галдаги вазифаларга эътиборингизни қаратасиз.

### ҚИСҚИЧБАҚА



Ҳаёлингизда сиз амалга оширишни истаган гоёлар тўлиб-тошиб ётибди. Ушбу ҳафта янги ўзгаришларни ҳаётингизга татбиқ этишингиз учун жуда қулай ҳисобланади. Бу аиниқса илмий ишлар соҳасига тегишли. Қўлга киритган натижалардан мамнун бўласиз. Бу эса ўз навбатида ҳаётингизга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади. Ва ниҳоят вақтингизни ўз хузуру-ҳаловатингиз йўлида сарфлаш имконига эга бўласиз.

### АРСЛОН



Ўзингизга ҳам, атрофингиздагиларга ҳам ҳаддан ортиқ талабчансиз. Қаттиққўллик кўрсатасиз, эҳтиросларга ўрин қолдирмайсиз, шунингдек бошқаларнинг хоҳишларини инобатга олмайсиз. Гоҳида иккиланган турасиз. Ҳозир мураккаб руҳий ҳолатдасиз: бир томондан тез ҳиссиётларга бериласиз. Иккинчи томондан эса атрофингиздаги ҳамма одамлар барча талабларингизни бажаришларини хоҳлайсиз.

### ПАРИЗОД



Ҳаётда ҳаммаси ўз қўлингизда, лекин буни тан олишни истамайсиз. Сабаби ялқовлигингиз тутиб, ҳеч бир ишга қўл ургингиз келмайди. Аини пайтда ўзингизни бутунлай тақдир ихтиёрига ташлаб қўйиб, ҳаёт оқимида тинчгина сузишни ҳам хоҳламайсиз. Мақсадингизга эришиш учун қанча кўп йўл танласангиз, ўзингизни шунча чалқаштириб қўясиз. Яхшиси, аниқ бир мақсадни олдингизга қўйиб, унга сари дадил интилинг.

### ТАРОЗИ



Иш фаолиятингизда янги имкониятлар эшиги очилди, бошқа одамлар билан фойдали алоқалар ўрнатиш учун қулай вазият юзага келади. Ушбу ҳафтада режалаштирган учрашувларингиз муваффақиятли кечади. Ҳозир ҳамкорликни йўлга қўйишингиз, узоққа мўлжалланган битимлар тузишингиз аини пайти. Бу ўз навбатида қатор муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

### ЧАЁН



Моддий масалаларга кўмилиб қолгансиз. Келажакда амалга оширадиган ишлар режасини тузгансиз, аммо уни қандай амалга оширишни билмай қийналасиз. Агар ичингиздаги иккиланганини енгиб ўтсангиз, ҳар қандай ташқи тўсиқларни бартараф эта оласиз. Ўзингизга мос йўл танласангиз, муваффақиятга эришасиз. Агар иккиланишда давом этсангиз, ҳамма қарорларингизни кейинга сурунг.

### ЁЙ



Ҳозир фаол ҳаракат қилишингиз мавриди эмас. Чунки ҳеч бир уринишингиз ўзингиз кутган натижани бермайди. Охир-оқибат бундан кўнглингиз тўлмай, сизда норозилик кайфияти пайдо бўлади. Мантикий фикрлаш орқали ҳам, сезгилар ёрдамида ҳам олдингизга қўйган мақсадларингизга эришингиз мушкул. Хуллас, ҳаракат қилиш учун қулай вазиятни кутинг.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Ўзингизни бошқаларга кўрсатиб қўйиш учун қарорлар қабул қилманг. Ундан кўра тинчланган ва дам олинг. Эришган ютуқларингизга қаноат қилишни ва ҳаётдан хурсанд бўлишни ўрганинг. Чунки етарлича натижаларни қўлга киритгансиз. Оилавий ҳаётингиз бир маромда кечади. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, янги танишувлар шахсий ҳаётингизга янгиликлар олиб кириши мумкин.

### ҚОВҒА



Ушбу ҳафта муносабатларни ривожлантириш, янги танишлар орттириш учун қулай пайт. Ҳиссиётларга тўлиб-тошиб юрасиз. Яхши кайфиятнингиз атрофингиздагиларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Киришимли ва хушмуомила бўлинг. Шунда бошқаларнинг меҳру муҳаббатини қозона оласиз. Ҳамма нарсанинг ижобий жиҳатларини кўришга интилангиз, барча ишларингиз жойида бўлади. Бўлар-бўлмасга сиқилманг.

### БАЛИҚ



Бойишни, яхши ишга жойлашишни жуда ҳам хоҳлайсиз. Аммо қизикқонлигингиз бунга ҳалал беради. Шунга қарамай истакларингизга эришингиз учун имкониятларингиз бор. Бундан ташқари, янги имкониятлар ҳам пайдо бўлади. Энг муҳими, ўзингизни ўтга-чўққа уравермасдан, қулай фурсат келишини кутинг. Сўнг қатъият билан ҳаракат қилинг, воқеалар ривожига ҳалал берманг.